

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ПОСТДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 2 (3374)

2001 йил 11 январь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ШОНЛИ АЙЁМ МУБОРАК!

Барча ички ишлар идоралари ходимларини, хизматчиларини, ички ва қоровул қўшинлари зобит ва аскарларини, таълим муассасалари ўқитувчи, профессорларини, тингловчи, курсантларини, ички ишлар идоралари фахрийларини ҳамда уларнинг оила аъзолари ва яқинларини 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этаман.

Мустақил республикамизнинг мустаҳкам таянчи бўлган Ўзбекистон қуроли кучлари қаторида ички ва қоровул қўшинлари зобит-ас-

карларига ва ички ишлар идоралари ходимларига ҳам Конституциямиз ва Мудофаа тўғрисидаги Қонунда белгилаб берилган бош вазифалари – давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, эл-юрт тинчлиги-осойишталигини таъминлашдаги фидокорона хизматлари учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Сизларга мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида халқимизнинг бунёдкорона меҳнат қилишлари учун кафолатли шарт-шароит яратиб бериш, ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбия-

лаш борасида ўз хизмат вазифаларингизни садоқат билан бажаришда улкан зафарлар ёр бўлсин.

Ушбу айём муносабати билан жонқажон Ватанимизга чексиз муҳаббат билан хизмат қилаётган барча сафдошларимизга ва уларнинг оила аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилайман.

Зокиржон АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири,
ички хизмат
генерал-полковниги.

“52-модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан).



>> 2, 14 <<

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти
("Постда" ва "На посту" газеталари)

шу йил 20 январь куни соат 10.00дан 12.00гача
беvosита мулоқот уюштиради.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси раҳбар ходимлари, бошқарма бошлиғининг муовини, ички хизмат полковниги **Ринат Муродович РАВШАНОВ** ва бошқарма бош руҳшуниси, ички хизмат подполковниги **Венера Ҳабибовна ИСМОИЛОВА** иштирок этиб, ички ишлар идоралари ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни даволаш ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ОИТСга қарши курашда тиббий-ҳуқуқий йўналишлар, жазони ижро этиш тизими тиббиёт муассасалари фаолияти ва бошқа масалалар билан боғлиқ масалалар бўйича саволларингизга жавоб қайтардилар.

Марҳамат, (371) 139-70-40, (371) 132-05-51 телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Бош муҳаррир минбари

БИЗ ХХІ АСР ОДАМЛАРИМИЗ

Бундан ўн кун аввал барчамиз бир йилдан иккинчи йилга, ХХ асрдан ХХІ асрга, иккинчи мингйилликдан учинчи мингйилликка ўтишдек қувончли дамларни бошимиздан кечирдик. Энди биз, азиз муштарийлар, мустақил Ватанимиз – Ўзбекистон Республикаси гуллаб-яшнаши кутилаётган давр – йигирма биринчи аср одамларимиз.

Бир макондан бошқасига ўтиш том маънода кўп нарсани англатади. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз суверен ривожланиши йилларида жамият ҳаётининг барча соҳалари ислоҳ қилинаётгани ва янгиланаётгани туфайли туриш-турмушимизга бўлган муносабатимиз, онгимиз ва фикрлашимиз ўзгарди, биз эркин ва дадил иш кўрадиган, хоҳиш-истагимизни бемалол ифода этадиган бўлдик, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўзлимизни англадик. Утган вақт мобайнидаги кузатишларимиз натижасида мўл-кўлчилик ва тараққиётга дарҳол эришиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдик.

Мустақил йўлимизни белгилаб олганимиз туфайли энди аввалгидек мустақил тузумнинг мафкуравий эртақларидан ўзимизни четта олаётганимиз йўқ, бинобарин, миллий ва маънавий қадриятларимиз, буюк аجدодларимиз мероси, мамлакатимизнинг катта иқтисодий қуввати, кўп миллатли, меҳнаткаш халқимизнинг руҳияти ва буюк келажак бўлган ишончига таяниб иш кўраёلمиз.

Мустақиллик ва тараққиёт йўлидан борар эканмиз, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган талайгина ютуқларни қўлга киритиб, кучимиз ва иқтидоримизни яна бир бор синовдан ўтказдик, ҳар бир кишига миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар муносиб турмуш тарзи яратиб берадиган демократик давлат ва фуқаролик жамияти кура олишимизга қатъий ишонч ҳосил қилдик.

Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки дамларданок ҳар биримиз ўзимизда пайдо бўлган ва йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётган Ватанимиз буюк келажакка бўлган ишонч билан янги асрга қадам кўйдик. Бу ишонч замирида эса Ўзбекистонликлар олижаноб мақсад сари олға боришини қонуний таъминлашга хизмат қилувчи демократик давлатимизнинг конституциявий ва ҳуқуқий асоси ётади.

Шаҳар-қишлоқларимиз, кўрғонларимиз қиёфаси кундан кунга ўзгариб чирой очаетгани, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, келажакимиз, иқтисодий ҳаётнинг изчил ва барқарор ривожланиши, аҳолининг турмуш даражаси юксалиши учун масъулияти ортиб бораётгани олға силжиётганимизнинг қувончли натижасидир.

Президентимиз Ўзбекистон халқига Янги йил табригида таъкидлаганларидек, бугунги кунда халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётини янги маъно-мазмун билан бойитиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълимни ривожлантириш, ва албатта, соғлом авлодни тарбиялаш, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурларни амалга ошириш, фарзандларимизни дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган, етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлида кўйган қадамларимиз барчамизни қувонтирмасдан кўймайди.

Агар ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар бўйича эришилган натижалар хусусида мулоҳаза юритадиган бўлсак, келажак ҳақида ўйлаш, келажакда яшайдиганлар – фарзандларимизга гамхўрлик кўрсатиш бизнинг менталитетимиз, давлат сиёсати даражасига кўтарилган халқимизга хос жиҳатдир, деган хулосага келамиз. Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган ХХІ асрнинг дастлабки йилида белгиланган ушбу сиёсатнинг ҳаётга жорий этилиши Соғлом авлод йилида бошланган хайрли ишларнинг мантӣқий давомидир. Бу эса мазкур бу йилда ҳам оналар ва болаларни соғломлаштиришга йўналтирилган улкан вазифалар амалга оширилишини кўрсатиб турибди.

Келажак авлод тарбияси билан боғлиқ махсус дастурларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритиб, беихтиёр улар биз билан бирга ХХІ асрга кириб келган Асосий Қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва изчил амалга оширилмоқда деган хулосага келамиз.

Мустақиллигимиз қўлга киритилган дастлабки дамлардаёқ Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси ва беvosита раҳбарлигида ишлаб чиқилган, давлатимиз асосини ифодаловчи ушбу оламшумул ҳужжатда том маънодаги ҳақиқий Ўзбекистон акс эттирилган, мамлакатимиз ва халқимиз турмуши юксалишининг стратегик йўналишлари белгиланган.

Шу боис, Конституциянинг мазмуни, моҳияти ва аҳамиятини ҳар бир юртдошимиз, кичкинтойларимиз эса боғча ёшидан бошлаб билиб олишлари муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган шанба куни матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши айнан ана шу масалага қаратилган.

Ушбу Фармойишга биноан Конституцияни ўрганиш бўйича дастур тузилади, шу асосда болалар ва ўқувчиларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида мустаҳкам билим бериш, Асосий Қонунимизнинг моҳияти кенг омма онига сингдириш юзасидан махсус ўқув курслари ташкил этилади, тегишли услубий адабиётлар ишлаб чиқилади.

Биз ХХІ асрга қадам кўйдик. Эндиликда йигирма биринчи аср одамларимиз. Бу барчамизни кўп нарсаларга ундайди, зиммамизга мамлакатимиз, инсоният тақдири учун жавобгарлик масъулиятини юклайди. Зеро, биз барча бир-бири билан боғланган, ўз Ватанимиз, халқимиз ҳақида яққол тасаввурга эга бўлишимиз лозим бўлган ягона маконда яшамокдамиз. Кўзланган мақсадга факат пухта маълумотли, жисмонан ва маънан етук, халқимизга хос юксак ватанпарварлик туйғуси ва ахлоқий жиҳатларга эга бўлган кишиларгина эришади.

Мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар албатта, ўз мевасини беради ва жамиятимизни белгиланган олижаноб мақсадлар сари янада яқинлаштиради.

ВАТАН МУҲАББАТДАН БОШЛАНАДИ

Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайдим,
Қорликларни макон этган бўлсайдим,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Абдулла ОРИПОВ.

Ватан нимадан, қаердан бошланади? Биров она алласидан дейди, бошқа биров остонадан дейди. Аскарлардан сўрасангиз, сарҳаддан деб жавоб беришса, ажабмас. Менимча, Ватан муҳаббатдан, юракдан бошланса керак. Ахир, бор ноз-неъматини, бойликларини сизу бизга бетаъма тугиб турган заминни, лешона тери, қадоқ қўли, ақлу заковати билан бу неъматларни етиштириб, фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган она халқни, ота халқни севмай бўладими? Эл ва юрт шунчалик ўзаро узвий боғлиқки, уларни айри кўриб, айри суйиб бўлармикан? Ватанин севган кишига унинг тоғу тоши ҳам, чўлу биёбони ҳам, осмони ҳам бирдай муқаддас.



билан, самимият билан ёш укаларига айнан ўша олис, қадрдон қишлоғини, ота-оналарининг тинчлигини, оромини, ор-номусини ҳимоя қилиш учун тоғ-тош ошиб юришганини тушунтиришди. Юракдан чиқариб айтилган сўз ўзга юракка ҳам тез етиб боради. Аввалига бир оз саросимага тушган баъзи аскарларимиз шундан сўнг тезда ўзларини қўлга олишди, ҳатто қалтис жанговар топшириқларни бажаришга кўнгилли

ганми? Аскарларимиз — полковник В. Мамо сардорлик қилаётган жамоа жангчилари бундай машаққатларга матонат билан бардош беришган. Ишонмасангиз, лейтенант Баҳодир Қувондиқовни гувоҳликка келтираман.

Бу ёш офицернинг ҳарбий билим юртини битирганига ҳали бир йил ҳам бўлмади. Лекин ана шу қисқа даврда тузуккина амалий жанговар тажриба тўплади. У сардорлик қилган бўлинма Бўстонлик туманида жанговар топшириқларни бажаришда яхши натижаларга эришди. Баҳодир талабчанлиги, изланувчанлиги, мураккаб вазиятларда мустақил равишда тез, тўғри қарорлар қабул қила олиши билан қўл остидагиларнинг ҳам, бошлиқларининг ҳам ҳурматини қозона олди.

Яна машаққатларга қайтсак. Баланд тоғ чўққиларида ёзда ҳам кечаси суяк-суякдан ўтувчи совуқ бўлишини, эрта куздан тизза бўйи қор ёғишини биласизми? Керак бўлганда ана шундай шароитларда аскар ўғлонларимиз ойлаб галма-гал постда турганини-чи? Кечалари мижжа қоқмаганини-чи? Тунда олов ёқиш мумкин эмаслигини, арзимас паст товуш ҳам узоқ-узоқларга эшитилишини ҳам биласизми? Отишмалар бўлганини, жангчиларимиз неча бор ўлим билан юзма-юз келишганини-чи? Тўғри, аскарларимизнинг ейишидан, иссиқ кийимдан камчиликлари бўлмади. Лекин бундан ҳам ташқари, балки бундан ҳам кўпроқ уларга айнан Ватан муҳаббати қувват, мадад берди. Улар чекаётган машаққатлари, захматлари эвазига ота-оналари, жажжи укалари, сингиллари, 24 миллионлик она халқимиз тинч-хотиржам ухлаётганини, ҳаёт кечираётганини ҳар лаҳза эслаб туришди. Бу

қийинчиликлар аскарларимизнинг галамисларга нафратини ўн қарра, балки юз қарра оширди.

Бу сўзларимни Ҳаёт Қодиров тасдиқлаши мумкин. У хизматини оддий аскарликдан бошлади. Муддатли хизмат пайтида ҳам жанговар топшириқларни бажарди, аччиқ-чучукни ўз бошидан кечирди. Демокриманки, бу вазифани машаққатли эканлигини кўра-била туриб бўйнига олди — қадрдон ҳарбий жамоасида шартнома асосида хизмат қилиб қолди. Нега? Балки, пул учун дерсиз. Тўғри, у кам маош олмайди, лекин жуда кўп деб ҳам бўлмайди. Еб-ичишига, оила боқи-

шига етади, аммо қўш-қўш машина олишга, дангиллама участка куришга етмайди. Ҳўш, нега ҳаётини, соғлиғини гаровга қўйиб бу касбини танлади? Чунки у Ватани, она юртни фақат севишнинг ўзи етарли эмаслигини, уни ҳимоя қилиш ҳам кераклигини англади. Қайсидир бир шоир “Сен ёнмасанг, мен ёнмасам, инсониятни ёруғликка ким олиб чиқади?” деган экан. Ҳаётжон ҳам “Мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади Ватанини?” деб ўз-ўзига савол бергандир. Яратганга бехисоб шукроналар бўлсинки, халқимизнинг бундай ўғлонлари кўп.

Азиз Ватан ҳимоячилари! Ўлимларни, кўркувларни енгиб яшаётган, хизмат қилаётган мардлар! Фидойилик, ватанпарварлик каби баландпарвоз гаплар энсасини қотирадиган, “Бизлар бурчимизни бажаряпмиз, холос” дейишни маъқул кўрадиган камсуқум, камган фидойилар, ватанпарварлар! Миртемир домланинг Она диёримизга муҳаббат билан йўғрилган қуйидаги содда, самимий сатрлари сизларнинг номларингиздан ҳам битилган бўлса, эҳтимол:

*Авлодларга мерос тупроқ, олтин бешик.
Келса қардош, келса қўноқ, лангирт эшик.
Тирикликда диёримсан, бол ва оқ сут.
Улсам агар мазоримсан, эй, Она юрт!*

Бобомурод ТОШЕВ.

Аммо тирик жон борки, у руҳан соғлом экан, кўркув туйғусидан бегона эмас. Айниқса, ўлим хавфи олдидаги кўркувдан ҳамма ҳам осонликча устун кела олмайди. Ўтган йили ёз-куз ойларида мамлакатимизнинг Тошкент вилоятидан ўтувчи сарҳадларини бузгунчилардан ҳимоя қилган аскар ўғлонларимизнинг ҳам гоҳ яширин, гоҳ ошқора кўрққан, “Мен уйимга, ота-онам бағрига эсон-омон, тирик қайтишни хоҳлайман” деган лаҳзалари бўлди. Шунда уларнинг сардорлари босиқлик

бўлиб ҳам боришди. Кўрқмагангина мард эмас, ўз кўркувини енга олган ҳам марддир.

Шундай тушунчалар борки, уларни оддийроқ, деҳқончасига, жайдарироқ қилиб ифодалаш керак. Хизмат қийинчиликлари, машаққатлари... Жумладан, юқоридаги тушунчаларни ҳам. Тик қоядан 300-400 метр пастга тушганмисиз? Баъзан иписиз-арқонсиз-а? Ўшанда ўз вазнингиздан, кийим-кечагингиздан ташқари 25-30 кило юк елкангиздан босиб турганми? Атрофингизда эса ўлим шарпаси кез-

Маълумки, ички ишлар идораларида хизмат ўташ ўта мураккаб бўлиб, ходимдан сабр-қаноат, мустаҳкам ирода, жисмонан ва маънан баркамоллик, ҳар қандай вазиятда ҳам бурчга содиқ қолишликни талаб этади. Хизмат юзасидан ходим муҳим топшириқ олиб, уйга бир неча кунлаб бора олмаслиги, қор ва ёмғир остида кун бўйи тиним билмаслиги мумкин. Ҳавас бошқа, хизмат бошқа, деганларидек, чиройли форма кийиб юришининг машаққати кўп, масъулияти залворли эканлигини ҳар бир ходим яхши англайди. Бу ички ишлар идоралари ходимларининг терроризм, экстремизм, наркотики бизнес каби жиноятчиликнинг турли кўринишларига қарши олиб бораётган курашларида янада ёрқин намоян бўлмоқда.

Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Сарисийё ҳамда Узун туманларида юз берган тўқнашувларда бир тўда босқинчи-террористларга қарши курашга осойишталик фидойилари — ички ишлар идоралари ходимлари ҳам биринчилардан бўлиб отландилар. Диний ниқоб остидаги жиноятчиларни яқсон қилишда улар юксак мардлик ва жасорат кўрсатиб, Ватанимиз, Президентимиз ва халқимиз олдидаги муқаддас Қасамёдларига ҳамиша ва ҳар қандай шароитда содиқ қолажакларини шараф билан исбот этдилар.

Хусусан, Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати ходимлари милиция капитани Абдурахим Халилов ва милиция катта сержанти Жумадулла Питаев кўрсатган юксак фидойиликларини ҳамда мардликларини учун “Жасорат” медал билан тақдирландилар. Босқинчилар билан олишув пайтида узоқни мўлжалга олувчи мосламали қуролдан отилган ўқ Абдурахимнинг оёғини жароҳатласа-да, у ўз қўл остидагилар билан бир сафда туриб курашини давом эттирди ва шу билан ўз сафдошларига улкан маънавий мадад берди. Абдурахим билан елкамаелка туриб жанг қилаётган Жумадулла ҳам қўлидан жараланди. Бироқ у ҳам жанг жойидан чекинмади. Ҳатто ярадорларни олиб кетиш учун махсус вертолёт етиб келганида ҳам улар қалсалхонага кетишни истамадилар... Бурчга со-

диқлик ва юртга бўлган меҳру фидойиликни енга оладиган куч йўқ эканлигини шараф ила намоян қилишди.

— Умуман, ҳар бир эркак киши учун очик курашишнинг ўзига яраша гашти бор, — дейди Абдурахим суҳбат чоғида. — Бундай пайтда ўзини четга тортишдан ёмон нарса бўлмаса керак. Сурхон воҳасида мураккаб вазият юзга келганлигини эшитиб, ҳеч бир иккиланмай боришга қатъий қарор қилдим.

— Ярадор бўлган кунингизни эслайсизми? — Ҳа, албатта. Қоронғу тунда ҳужум бошланди. Жанг майдонининг қоқ ўртасида қолиб кетдик. Эрталабгача отишмалар бўлиб турди. Эрта

тирилиб келинган. А. Халилов ва Ж. Питаевга берилган “Жасорат” медаллари фикримизнинг ёрқин тасдиғидир. Шунингдек, Абдурахим Халиловга Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги байрами муносабати билан навбатдаги “милиция майори” унвони берилди. Дарҳақиқат, юртим деб юракдан ёниб яшаган, хизмат қилган инсон ҳамиша эл эъзозидадир.

Ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажарётган ҳар бир ходим тинчлик-осойишталик, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш йўлида ўлимга-да юзма-юз боради. Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари орасида ҳам йўқотишлар бўлди. Ўз хизмат бурчини ба-

рибон ота, умр йўлдошига суюкли ёр, ҳамкасбларига содиқ дўст, кўнгли очик инсон эди.

— Яхши хислатлари жуда кўп эди, — дейди марҳумнинг рафиқаси суҳбат чоғида. — Оилага меҳрибон эди. Эрта кетиб, кеч келса-да, ишлари оғирлигини билдирмасди. Ватан, эл осойишталиги хизматидагиларнинг аёлларига ҳам катта масъулият юкланади. Аёли тушуниши, очик юз билан кутиб олиши, оғирини енгиллаштириши керак уларнинг. Мен доим шунга ҳаракат қилардим. Ёлғиз фарзандимиз қолди. Ўғлим Зоҳиджон ҳар кун эрталаб ҳам, богчадан келса ҳам, “Адам қанилар? Нега уларни отиб кетишган? Яхши бола бўлсанг, аданг келади, деб айтардингиз, яхши бола бўлаяпманку, нега адам келмаяптилар?” деб йиғлайди.

“Мол-мулкнингдан айрилсанг — кўп нарса йўқотасан, мардлингдан айрилганинг — ҳамма нарсангни йўқотганинг”, деган экан Гёте. Тошкент шаҳар ИИББ шахсий таркиби ҳам сафдош ҳамкасблари қахрамонона аънаналарини шараф билан давом эттириб, ўз олдиларига қўйилган барча топшириқ ва вазифаларни мардларча, намунали даражада бажариб келмоқдалар.

Ходимларнинг виждонан амалга ошираётган хизматлари Ҳукуматимиз, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти томонидан муносиб рағбатлантирилиб келинмоқда. Бугунги кунда қатор осойишталик фидойилари “Шон-шараф” ордени, “Жасорат” ва “Шўҳрат” медаллари каби давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар.

Янги аср мамлакатимиз учун янгиланиш ва тараққиёт даврига айланишига барчамизнинг ишончимиз комил. Муштарак мақсадимиз — Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва келажақ авлодининг бахт-саодатидир. Мамлакатимиз тақдири, сизу бизнинг тақдири-миз фақат ўзимизга, ўз хизматимизга, мураккаб ва масъулиятли хизмат доvonларида муқаддас Қасамёдимизга қанчалик содиқлигимизга боғлиқ!

Шўҳрат ИКРОМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
матбуот маркази инспектори.

МАСЪУЛИЯТЛИ ДОВОНЛАР

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ХИЗМАТЛАРИ ҲАҚИДА

тонгга яқин соат чамаси уч ярим-тўртлар атрофида, отишмалардан бирида менга ўқ тегиб яраландим.

Ваъжад вафолари осойишталик фидойилари жароҳатлари битгандан сўнг яна сафга қайтиб, ҳозирда пойтахтимиз аҳолиси тинч-осойишталигини таъминлашдек ўз хизмат вазифаларини аъло даражада бажариб келмоқдалар.

— Сурхондарёга кетаётганларида хизмат сафарига кетаяпман, деган эдилар, — дейди Абдурахимнинг рафиқаси суҳбат чоғида. — 15 кун ўтгач, хавотирлана бошладим. Ярадор бўлганларини эшитиб кўржиб кетдим. Иккита болаимиз бор, бир ойлик чақалоқ билан қолган эдим ўшанда. Тўғриси, эсон-омон тузалиб кетсалар, бу ишларида ишлатмайман дегандим. Лекин эр йигит Ватанин ҳимоя қилиши керак-ку, ахир...

Она-Ватанимиз равнақи, хавфсизлиги йўлидаги фидойи хизмат Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан доимо муносиб рағбатлан-

жариш чоғида 26 нафар ходим ҳалок бўлди. Шайхонтоҳур тумани ИИБ профилактика инспектори Ноил Валиулин, Юнусобод тумани ИИБ катта тезкор вакили Алижон Толипов, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ тезкор вакили Улуғбек Зокиров, шу туман ИИБ Қўриқлаш бўлими милиционери Нурғали Ўрмонов қабила шулар жумласидандир. Улар вафотидан сўнг давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Осойишталик фидойиларининг сиймолари қалбимизда ҳамиша барҳаётдир!

Акмал Икромов тумани ИИБ профилактика инспектори Воҳиджон Шомуродов ҳам қалбимизда армонли ва ўчмас из қолдириб кетди. Воҳиджон ўз хизмат бурчини ўтаб турган пайтда қуролланган жиноятчиларга қарши мардон курашиб, қахрамонларча ҳалок бўлди. У муқаддас Қасамёдига сўнги нафасигача содиқ қолди. Воҳиджон оилада тўнғич ўғил, ота-онасининг меҳрибон фарзанди, болаларига меҳ-

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

2-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси

Ушбу Қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади.

3-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланади.

4-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар (бундан буён матнда органлар деб юритилади) ҳисобланадилар.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва ўзаро нисбати

5-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари

Қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

е) вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;

ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ости ҳужжатлари ҳисобланади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

12-модда. Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқарилиши билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

14-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-

нинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколати ва мақомига, шунингдек ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат кўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат кўмитаси ёки идорасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар

15-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрлаш шартлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқаётган орган, қоида тариқасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, айрим фуқаролар жалб этилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда топшириши ёки шартнома асосида буюртма бериши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга муқобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир.

Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, давлат бошқарувининг бошқа соҳаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликлар, давлат кўмиталари ёки идоралари жалб этилади.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишнинг мувофиқлаштириб туриш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

16-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш амалиётини ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда лойиҳани ишлаб чиқувчи орган: лойиҳа мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиш тажрибасини ўрганиши ва ҳисобга олади, ҳуқуқий тартибга солишга бўлган жамоатчилик эҳтиёжини, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитларни аниқлайди;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот во-

ситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади;

бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади.

Қонун лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.

17-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдимнома билан киритилади. Тақдимномада ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асослаб берилди, уни ишлаб чиқувчилар кўрсатилди, ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилди, лойиҳа келишилган давлат органлари, шунингдек ташкилотларнинг рўйхати келтирилади, келишмовчиликларнинг мазмуни ва улар ҳақидаги асосли фикр қисқача баён этилади.

Зарурат бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистика маълумотлари ва бошқа ахборотлар илова қилинади.

18-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин.

Киритилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин. Экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасига баҳо беришда мустақилдир ҳамда экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ эмаслар.

19-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равоң тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан молиялаштириш манбалари,

(Давоми 4-бетда).

(Боши 3-бетда).

рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари (агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса ёки махсус ҳужжатда белгиланиши керак бўлмаса) назарда тутилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган муқаддима киритилиши мумкин. Норматив кўрсатмалар муқаддимага киритилмайди.

Қонунларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар тарзида баён этилади. Қонунларнинг моддалари қисмларга бўлиниши мумкин. Моддаларнинг қисмларида бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар бўлиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандларга ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Ҳажм жиҳатдан йирик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун жиҳатдан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бирлаштирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга ва тартиб рақамларига эга бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин.

Зарур ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юқоридаги юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норматив кўрсатмалари қайта айнан такрорланмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг моддаларида (бандларида) унинг бошқа моддаларига (бандларига), шунингдек амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, уларнинг айрим қоидаларига ҳаволалар норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки такрорлашларга йўл қўймаслик учун қўлланилади.

20-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матнини имзо қўйиб тасдиқлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни қуйидаги тарзда имзо қўйиб тасдиқланади:

Ўзбекистон Республикасининг қонуни - Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони - Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан ёки унинг топшириғига иноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир томонидан;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари - ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари томонидан;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари - тегишли ҳоким томонидан.

21-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реквизитлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги реквизитларга эга бўлади:

ҳужжатнинг тури ва номи;

ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами;

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

22-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишга тақдир этиш

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

23-модда. Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартишлар ёки қўшимчалар киритилади ҳамда илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги норматив кўрсатмаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмоғи керак.

IV. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг кучга кириши ва амал қилиши

24-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишга қўйиладиган талаблар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкдан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман баён тарзида эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шarti билан рухсат этилади.

25-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан нашр этиладиган «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси», вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг расмий нашрлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий нашрлар ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади.

26-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши

Ўзбекистон Республикасининг қонун-

лари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишнча Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда кучга киради ва улар эълон қилиниши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан монеликсиз (эркин) танишиш ҳуқуқини таъминловчи ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

27-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучи

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Қонун, у амалга киритилишига қадар юзага келган муносабатларга нисбатан, агар бу ҳоллар қонунда бевосита назарда тутилган бўлса, татбиқ этилиши мумкин. Агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтириши назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

28-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқа изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг вақтинчалик муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда унда ҳужжат (ёки унинг қисми) қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз берганига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши зарур.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунга ёки ҳодиса юз берганига қадар ҳужжатнинг амал қилишини янги муддатга, бошқа ҳодиса юз берганига қадар узайтириш тўғрисида ёки ҳужжатга муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шахслар доираси бўйича амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига,

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эллик юридик шахсларга, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

30-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг тугатилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қуйидаги ҳолларда амал қилишини тугатади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса бошланганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қонунда белгиланган тартибда конституциявий эмас деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунда назарда тутилган ҳолларда бекор қилинганда.

V. Яқунловчи қондалар

31-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки мантиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонунларнинг нормаларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шарҳ беради.

Қонун ости ҳужжатларига уларни қабул қилган органлар расмий шарҳ беради.

Шарҳлаш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар, қўшимчалар ва аниқлаштирувчи нормалар киритилишига йўл қўйилмайди.

32-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам нашр этиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўпламлари ва мажмуаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нашр этади ёхуд уларни бошқа органлар ва ташкилотлар нашр этиши тўғрисида топшириқлар беради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир тизимга солинган мажмуаларини нашр этади, мажмуаларни назорат ҳолатида сақлайди, уларга қўшимчалар нашр этади, уларни қайта нашр этади.

33-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш бундай ҳужжатларни марказлашган тарзда йиғиш ва рўйхатга олишдан, уларнинг фондларини ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат томонидан ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 декабрь,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирлик-

лар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 декабр.

Tabassum + TV

HAFTALIK DASTURLAR

Посиға газетасининг иловаси



Ҳаммуаллиф кўп бўлса...

СЕВИМЛИ АКАМ ВА ЯҚИН СИРДОШИМИЗ БОТИР ЗОКИРОВ

Учинчи мингйиллик ҳам кириб келди. Йигирма биринчи аср бошланди. Вақт ўтаверди, аммо ёрқин ҳаёт йўли ва ижоди билан бу дунё янада гўзал, ҳаётимиз мазмунли бўлишига улкан ҳисса қўшган замондошларимиз хотираси қалбимизда бир умр сақланиб қолади. Шундай инсонлардан бири катта иқтидор соҳиби, ширали ва бетакрор овози билан кўшиқ шайдоларини гўл қолдирган Ботир Зокировдир. Истеъдодли кўшиқчининг яқин қариндошлари — сахнадо ҳам, ҳаётда ҳам ҳамроҳ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гавҳар ва Жамшид Зокировларнинг эсдаликлари Ботир аканинг порлоқ хотирасига ҳурмат-эҳтиром тимсолидир. Уларни бирга учратиш анча мушкул экан. Шу кунни Гавҳар опа Янги йил томошаларида шарқ маликаси ролини ижро этаётгани, Жамшид ака эса республика ИИВ Бирлашган тахририяти "Qalqon" студияси ижодий жараёнига раҳбарлик қилаётгани маълум бўлди. Жамшид Каримович билан ўз хонасида, умр йўлдоши билан эса театрда суҳбатлашини муваффақ бўлдик.

— **Жамшид Каримович, оилангиздагиларнинг барчаси кўшиқ куйлашади, биргина сиз актёрлик касбини танлагансиз. Бунинг боиси нимада?**

— Биринчидан, мен ҳақимда, аниқроғи, ижодим хусусида сўз борганда акам Ботир Зокиров номини тилга олмай иложим йўқлигини айтиб ўтмоқчиман. Бу буюк инсон, ҳа, бу сўзни айтишдан чўчимаيمان, менинг акам бўлгани учун эмас, балки ҳаётимда муҳим ўрин эгаллагани сабабли шундай деяпман. Айнан у туйғайли актёр, шахс бўлиб камол топдим.

— **Яъни, Ботир ака сиздаги қобилиятни ўша пайтдаёқ илганлар?**

— Нафақат илган, балки мақсад сари йўналтирган ҳам. Биласизми, болалигимда жуда шумтақа бўлганимдан кўпчилик безор эди. Отам баъзан менга разм солиб, бу кимга ўхшади ўзи, деб кўярдилар. У киши: "Сен келажакда ким бўлмоқчисан?" дея кўп марта сўраганлари ёдимда. Вояга етганимда отам Қандолатчилик техникумига ўқишга киришга ундаб, кистовга ола бошладилар. Аммо мен мусиқа билим юртига бордим. Кўп ўтмай билим юртини ташлаб кетдим. Тан олишим керак, ўқишга хоҳишим йўқ эди. Шу боис, ишлашга қарор қилдим. Ўша кезлари Ботир акам "Ешлик" дастасининг бадий раҳбари эди. Ўз жамоаси билан гастрол сафарларида бориб турарди. У киши мени дастада ишчи бўлиб ишлашга таклиф этдилар. Шу тарихида меҳнат фаолиятим бошланиб кетди. Сахна жиҳозларини ўрнатиш, жиҳозлар ва мусиқа асбоблари солинган қутиларни ортиш-тушириш... Концерт бошланганда эса нафас ютиб акамнинг кўшиқларини жон қулогим билан тинглардим...

— **Кейин-чи, кейин?**

— Мусиқа билим юртига қайтиб бормадим, албатта. Тошкентга қайганимиздан сўнг киностудия қошида актёрлик

студияси очилганидан хабар топдим. Студиянинг бадий раҳбари Юрий Сидлецкий ўз вақтида Тошкент театр ва рассомчилик институтида Ботир акам билан бирга таълим олган эди. Студияда катта қизиқиш билан билим олдим ва Тошкент театр ва рассомчилик институтига кириб ўқишга қарор қилдим. Ҳаяжоним чексиз эди. Агар дастлабки уринишда кира олсам талаба бўлишим аниқ, дердим ўзимга ўзим. Ботир акамнинг умр йўлдоши кириш имтиҳони репертуар ташлашда яқиндан ёрдам бердилар. Мен "Ревизор" комедиясидаги Осип монологини ўқидим.

— **Ботир Зокировнинг укаси театр санъати даргоҳига ташриф буюрганидан кўпчилик мамнун бўлгандир?**

— У киши менинг акам эканлигини ҳеч кимга билдирмаганман. Баъзи кизиқиб сўраганларга у фамилиядошим, деб жавоб берардим.

— **Машҳур қариндошининг шухратисиз ҳам кўзлаган ниятингизга етишингизни исботламоқчи бўлгансиз, шундайми?**

— Тўғри. Аммо гап яна шундаки, "алоқалар" бўлса ўйлаган режасини ҳамма ҳам амалга оширади, аммо ўзим ҳаракат қилмасам ким бўлиб қоламан,

дея ўйлардим. Боз устига, студияда таълим олаётганимда актёрлик маҳорати муаллими А. Кенжаев кўпинча "сенинг ҳаракатларинг дуруст чиқаяпти", деб рағбатлантирарди. Мени акам ҳам мактаган. Умуман, ҳаммаси кўнглимдагидек кечди, мен институтга кириб, уни муваффақиятли тамомладим. Шундан сўнг Ҳамза театрига ишга таклиф этишди, ҳозирда ҳам шу даргоҳда фаолият кўрсатиб келяпман.

— **Кейинги пайтда театрда ҳам, кинода ҳам талайгина ролларни ижро этдингиз, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг сиймоларини яратдингиз. Бу охир-оқибат "Qalqon" студиясини бошқаришингизга олиб келмади-ми?**

— Тўғрироғи, бу таклифни рад этмасликка ундади. Мен ҳуқуқ-тартибот посбони деган шарафли номни доимо ҳурмат билан тилга оламан. Энди актёрлик ва милиционерлик касбида ўхшашликлар жуда кўп эканлигини тушуниб етдим. Биз ўртамеъна, яъни бор имкониятни ишга соймай ишлашимиз мумкин эмас, буни теварак-атрофдагилар дарҳол пайқаб олишади.

— **Юқорида тек турмайдиган ўсмир бўлганингизни айтиб ўтдингиз. Милицияга тушган пайтларингиз ҳам бўлганми?**

— Йўқ, албатта, нималар деяпсиз?! Бу даражадаги тарбияси оғир бола эмасдим. Тўғри, ўқишни хоҳламайдиган, дангасароқ бўлганим билан безорилик қилмаганман. Қолаверса, отаонам ва акам бунга йўл қўйишмас эди.

— **Ботир Каримович сизга нисбатан қаттиққўлмиди?**

— Жуда. Ёдимда, бир кунни папирос чекаётганимни кўриб қолиб роса таъзимини берган. Ушанда ундан ранжиган эдим, аммо

кейинчалик Ботир акам мендан ўн икки ёш катта эканлиги ва ҳар қандай тарбия усулларини қўллаши мумкинлигини тушуниб етдим.

— **Сиз ҳозир ҳам чекасизми?**

— Афсуски, ўша пайтда берилган сабоқнинг таъсири узоқ вақтга етмади... Бу албатта айтилган сўз бу қулоқдан кириб, наригисидан чиқиб кетди, дегани эмас. Ҳаёт давом этмоқда, замон ўзгармоқда... Бугун орамизда сеvimли акам, яқин сирдошим йўқ. Унинг ўрни жуда билинапти. У қатиққўл бўлгани билан мулоим, олижаноб, кишига қайишувчан, тартиб-интизомли инсон эди. Бирор муаммо юзага келса куннинг исталган пайтида, ҳатто ярим тунда сим қоқардим. Нимасини айта-сиз, у менинг акам эди, гап тамом-вассалом.

— **Ўзингиз роль ижро этган спектаклларда Ботир Каримовичнинг кўшиқларидан тез-тез фойдаланиб турасизми?**

— Албатта. Илк бор умр йўлдошим билан бирга ўйнаган "Такдир эшиги" моноспектаклида фойдаланишимга тўғри келган. Бу менинг ҳаётимда рўй берган бироз қайғули воқеа десам янглишмайман. Ушанда ушбу сахна асарига бошқа ижрочининг кўшиғи киритилган эди. Аммо... Премьера бошланди. Мен ва Гавҳар сахнадамыз. Қутилмаганда радиокарнайлардан Ботир акамнинг овози эшитилиб қолди. Ҳаяжонланганимдан ўзимни йўқотиб қўйи дедим. Акам билан боғлиқ хотиралар ёдимга тушаверди, тушаверди... Спектаклни қай аҳволда ниҳоясига етказганимни эслолмайман. Ташқарига чиқсам режиссёримиз кулиб турибди. "Сенга маъқул бўлса керак деб шундай қилган эдим", — деди у. "Нариги дунёга жўнашимга оз қолди, огоҳлантириб қўйиш мумкин эди-ку!" — дедим ундан ўпқаланиб. Ушанда дилдан суҳбатлашиб, суҳбатдошини тушунишга ҳаракат қиларди.

У киши шунингдек, меҳнат-кейинчалик биз бошқа бир моноспектаклни сахналаштирдик. У "Эргинамининг орзуси" деб аталади. Асар ниҳоясида Гавҳар иккимиз Ботир акамнинг кўшиғи остида тангога рақсга тушамиз.

Ушбу спектакль айтиш мумкин-ки, Ботир акам хотирасига бўлган ҳурмат ва муҳаббат рамзидир.

— **Ботир Каримовичнинг ижоди ҳар томонлама гуркирагани кўпчиликка маълум...**

— Ҳақиқатан ҳам шундай. У яхши суратлар чизар, шеър ёзарди. Кўп китоб мутолаа қилгани, тарих, адабиётга қизиқиши суҳбатларида сезилиб турарди.

— **Мен Ботир акамнинг кўшиқлари қанотидан улғайганман, десам муболага бўлмайди, — дея ўз ҳикоясини бошлади хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳиби Гавҳар Зокирова. — Бу хонадонга янги келин бўлиб тушган дамларим. У кишига илк бор рўпара келганимда таниқли артистнинг салобати босдим, билмадим, ўзимда қандайдир кўркунни ҳис этганман. Кейинчалик яқинроқ танишганимиздан сўнг кўркун йўқолди, аммо унга нисбатан ҳурмат, қадрлаш, санъати олдида бош эгишим бир умрга қолди. Ботир ака шу даражада бағри кенг, очик кўнгли, ақл-заковатли инсон эдики, буни тасаввур этиш қийин. Ўша кезлари у Цветаева, Ахматова, Пастернак шеърларини сеvim мутолаа қиларди. Суҳбат чоғида гап нима ҳақида бормасин, хоҳ санъатми, хоҳ тарихи, адабиёт ёки жугрофиями, Ботир ака дарҳол билимдон эканлигини намойиш этарди. Мабодо кимдир бирор нарсани билмай қолса, ундан ўзини устун тутишга уринмас эди. У доимо дилдан суҳбатлашиб, суҳбатдошини тушунишга ҳаракат қиларди.**

У киши шунингдек, меҳнат-

Дилдан суҳбат

севар ва қатъиятли инсон эдилар. Ўзини қийнаётган нарсаларни теварак-атрофидагиларга ошкор қилмасликка уринар, кечинмалари ҳар қанча оғир бўлмасин доимо биздан яширарди. Бу гап унинг хасталиги, азоб билан ўтган операциялар ва ишига ҳам тааллуқли.

Етмишинчи йиллар. Кунларнинг бирида Ботир Каримович мюзик-холл ташкил этдилар. Томоша сценарийсини Ю. Энтин ёзган, М. Захаров эса сахналаштирган. Гуруҳ кўп гастролларда бўлди, томошабинлар ўртасида обрў-эътибор қозонди, аммо... мюзик-холлни ёпиб қўйишди. Бу Ботир Каримовичга жуда оғир таъсир қилди. Ахир бу пайтда у барчага танилиб қолган санъаткор эди. У киши йигирма тўрт ёшида халқ артисти деган номга сазовор бўлган. 60-йилларнинг охирида собиқ Иттифокдаги машҳур артистлар сафида Парижга ташриф буюриб, "Олимпия" залида француз тилида "Фаранг қизлари" кўшиғини ижро этган. Ушанда французлар илк бор ўзбекча кўшиқларни тинглашган эди. Ботир ака "Раёно-Барно", "Араб тангоси" ни завқ билан қуйлаганлар.

— **Сиз ва умр йўлдошингиз, яъни актёрлар учун Ботир Каримович ким бўлган, қизиқувчан танқидчиси ёки оддий томошабинми? У киши спектаклларингизга бориб турганми?**

— Биласизми, Ботир ака бировнинг меҳнатига баҳо беришга жуда жиддий қарардилар. "Яхши", дердилар узоқ ўйлаб туриб. Аммо шу бир оғиз сўз юракдан айтиларди. Менимча, актёр маҳоратига премьерга билан баҳо бериб бўлмайди. Чунки бу бор-йўғи дастлабки уринишдир. Бир неча спектакллардан сўнг актёр ролга киришиб, уни чуқур ҳис қилгандан кейингина яратилган сиймо хусусида бирор фикр айтиш мумкин. Бир нарсаси аён: агар Ботир Каримович ижод соҳасида бирор гап айтса ёки маслаҳат берса, албатта, ўзининг касб маҳоратидан келиб чиқиб, очик-ойдин фикр билдирар ва мулоҳазалари катта аҳамиятга эга бўларди.

Бугунги кунда мен, умр йўлдошим, шунингдек, Ботир Каримовични яқиндан таниган билганлар қувончли ва қийин кечган дамларда у кишини, қўллаб-қувватлаб айтган сўзлари, фойдали маслаҳатларини ёдга олиб турашим. Бундай инсонлар хотираси бетакрор кўшиқлари каби абадийдир.


И. САЙФУДИНОВА
суҳбатлашди.



"Посиға" ва "На посту" газеталари ижодий жамоаси ва азиз ўқувчиларига Зокировлар суҳбатигадам вақтинчи тиллақларимизни юзлашамиз.

Гавҳар Зокирова

ЧАЙНВОРД-КРИПТОГРАММА



ЧАЙНВОРД

- Олий лига футбол клуби.
- Турбина, динамомашинанинг айланадиган қисми.
- Астрономияда акс эттирувчи телескоп қурилма.
- Автомобиль моторини совутиш қисми.
- Ўзгарувчан ток занжирида қисқа туташув содир бўлганида токни чекловчи қурилма.
- Ҳиндистондаги шаҳар.
- Асарни саҳналаштирувчи ижодкор.
- Англиядаги йирик ахборот агентлиги.
- Европадаги кўмир ҳавзаси.
- Олисга хабар етказиш воситаси.
- Театр томошалари мажмуи.
- Чизмачилик асбоби.
- Оила ҳўжалиги.
- Атоқли голланд рассоми.
- “Темир мушт”.
- Чучмомадошларга мансуб гул.
- Суюқликдаги аралашмани ажратувчи қурилма.
- Самарқанддаги марказий майдон.
- Самарқанд вилоятидаги шаҳар.
- Ёзувчи, “Америка фожиаси” романи муаллифи.
- Электр занжиридаги ток кучланишини мослаш қурилмаси.
- Ширинлик.
- Шарқ дарвозаси.
- Дунёдаги энг улкан тоғлик.
- Юк ва йўловчилар ташиш воситаси.
- Ҳароратни бир маромда сақлаб турувчи асбоб.
- Билим соҳалари, ижтимоий ҳаётга оид илмий қараш ва ҳулосалар мажмуи.
- Ёшлик латофати, чирой.
- Шоҳ ўриндиғи.
- Соғлиқни сақлаш соҳаси.
- Илмий текшириш, ўрганиш.
- Савдо-сотик фаолияти соҳаси.
- Бир соҳага мансуб корхоналар бирлашмаси.
- Таксида йўл ҳақини ҳисоблаб боровчи қурилма.
- Ҳисоб илмида илдиз чиқариш амали белгиси.
- Безак буюмлари учун ишлатиладиган рангдор маъдан ёки тиниқ, мусаффо.

КРИПТОГРАММА

Очқич сўзлар:

- Чучук сув ҳавзалари атрофида тарқалган парранда тури – 17, 1, 3, 3, 9, 7.
- Кичик ибратли ҳикоят – 4, 1, 16, 4, 15.
- Бир қабила, уругга мансуб кишилар гуруҳи – 14, 15, 1, 8.
- Шарқ назмига хос шеър тури – 21, 9, 11, 5, 2, 20.
- Иш жониворларига юк ортишда фойдаланиладиган чорқирра идиш – 13, 1, 12, 1, 19, 1.
- Совуқлигича истеъмол қилинадиган таом – 18, 10, 6, 1.

Жавоб сўзлари асосида шаклдаги криптограммани ҳал этсангиз XVIII асрда яшаб ўтган таниқли ўзбек шоири меросига мансуб икки мисра ҳикматни билиб олишга муваффақ бўласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Дўкандан битта “ярим-та”ни олиб энди кўчага чиққан пайтим етмишларга бориб қолган амаким олдимдан чиқиб қолди.

– Йўл бўлсин? – амаким саломимга алик ҳам олмай сўроққа тутдилар. – Яна чойхонагами?

Оббо, яна хотиним бориб арз қилганга ўхшайди.

– Ман шошиб турувдим, майли бир пиёла ичиб кета қолай, – амаким тил учиди тақлифимни ерда қолдирмай “уриб” олдилар ва:

– Бундан кегин ўз уйингда ичгин, ичма демайман. Келинниям кўнгли тўқ, бежавотир. А, келин, нима дедингиз?

Ҳажвия

чи”, деб қолди.

Мен ҳечдан кўра шуни-си ҳам маъқул дегандек, чукчалар ҳақидаги янги латифани айтиб, хотинимни қулдирмоқчи бўлдим. Аммо хотиним латифани эшитиб қулмади. Қулмагани ҳам майли. “Ҳа, чукча-ям сизнинг бирингиз экан” деса бўладими. Латифаларни давом эттиришга ҳафсалам ҳам қолмади. Аламимдан кетмакет икки пиёла “уриб” олсам ҳам ҳеч кайфиятим кўтарилмасди. Охири, борига барака деб, ҳаммасини “отиб” юбордим. Салпал кайфни ҳис қилиб, кўзларим сузилаётганини кўрган хотиним ёнимга ёстиқ ташлаб деди:

– Дадаси, “Сетора” деган янги газлама чиқибди, шундан бир кийимлик олиб беринг, – деди.

– Эй, аҳмоқ, – деб бақриб юбордим. – Зўрға топган кайфимни ҳам учириб юбординг-ку! Иккинчи марта хотин билан ичсам алкаш бўлай, эшитдингми?!

Шундан бери хотиним арз қилишини бас қилди.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ.

ХОТИН БИЛАН ИЧМАЙМАН!

– Ҳой, бола, отанг ўрнида отаман-а! Шу зормандани уйингга бориб, хотинингни олдида ичсанг ҳам бўлади-ку. Рулдаги одамсан, – амаким машинанинг олд ўриндиғига ўтириб олдилар. – Қани, уйга ҳайда. Сени келиннига топшириб, кейин уйга кетаман.

Хотиним қайнотаси ўрнида қолган қарияни айланиб-ўргилиб кутиб олди.

– Ҳа, ичмайсанми заҳри балоингга, – деди амаким бир пиёладан чой ичиб олганимиздан кейин.

Хотиним аввал келишиб олгандек, аччиқ-чучукларни, жонон пиёлаларни олиб келди.

Келин эса менга қараб яна қуймайсизми дегандек ароққа ишора қилди. Амаким келиннинг илтимосини ҳам ерда қолдирмай пиёлани бўшатиб, бурни қизарганча хайр-маъзур қилдилар.

Мен эса чойхонада менсиз ўтирган улфатларимни ўйлаб, хомуш тортиб қолдим. Бугун янги латифалардан ғамлаб қўйгандим-а.

Хотиним лимонни паррақларкан: “Дадаси, ичмаган одамдай хомуш ўтирибсиз. Кайф қилган одам кулиб, бошқаларни ҳам қулдиради, деб эшитардим. Мундоқ кизиқарли гапми, латифаданми айтсангиз-

Масал

БУЛБУЛ НАВОСИ

Кунлардан бир кун Курбақа, Бузоқбоши ва Чигиртка учрашиб қолишибди. Улар фурсатдан фойдаланиб, ўз истеъдоллари ҳақида баҳс юритибдилар:

– Эй, жонгиналарим, сизлар ҳам юрибсизлар-да! – дебди Курбақа. – Мана менинг майин овозимни зангор сув дунёсининг борлиқ аҳли қулоқ осиб тинглайди.

– Икки сўздан ортиқ гапинг йўқ. Улкан денгиз дунёси сени қандай тинглаган-а? – пичинг қилибди Бузоқбоши. – Мен оламда яшаётган азиз инсонларни ўз овозим билан аллалайман. Улар менинг донишмандлигим тўла сўзларимни эшитганда ором олиб, роҳат қиладилар.

– Бемаза гапингни қўй, ошна. Ҳамма гап менинг овозимда, – дебди Чигиртка. – Баланд-баланд бўғот ва дарахтлардан туриб товушимни кўкка янгратаман. Ҳар бир каломим шунчалик садо берадики,

ҳатто етти иқлим мириқиб эшитади. Киройи созинг бўлса, шундай бўлсин. Азизларим, бу талантларнинг таланти менинг ўзимда ва қўлимдаги нодир созимда эканлигидан далолат беради...

“Махшур хонандалар”нинг мурасасиз қизгин сўз олишуви тонготаргача давом этибди.


Қуёш киприкларини қоқиб нур тарата бошлабди.

Курбақа сувнинг тагига шўнғиб кетибди. Чигиртка бўғотнинг қоронғи бурчагига, Бузоқбоши бўлса, ернинг қаърига гойиб бўлибди.

Булбул соз созлаб қўшиқ бошлабди. Унинг куйини тинглаб, инсонлар ҳалигача баҳра олар эканлар.

Эркин ҚОДИРОВ.

Rasmlardagi yetti farqni toping.



SO'Z BOYLIGINGIZNI SINAB KO'RING

Berilgan so'zdagi harflardan foydalanib yangi so'z yasang.

Qson bo'lsin uchun qavs ichida siz topishingiz kerak bo'lgan yangi so'zga ta'rif berilgan.

Asad (daraxt)	→	□ □ □ □
Hayron (gul)	→	□ □ □ □ □ □
Tub (to'kis)	→	□ □ □ □ □ □
Goho (hushyor)	→	□ □ □ □ □ □
Trq (adir)	→	□ □ □ □ □ □

Kotib (ilm koni)	→	□ □ □ □ □ □
Loyiq (tasanno)	→	□ □ □ □ □ □
Adad (ota)	→	□ □ □ □ □ □
Mardon (quvvat)	→	□ □ □ □ □ □
Turq (qumursqa)	→	□ □ □ □ □ □

Sut (rang)	→	□ □ □ □ □ □
Shoir (chaqiriq)	→	□ □ □ □ □ □
Raqam (hilol)	→	□ □ □ □ □ □
Astar (savdo qatori)	→	□ □ □ □ □ □
Rahna (jillaqursa)	→	□ □ □ □ □ □

“Tabassum”ning 4 yanvar sonidagi topshiriq javoblari: Millat, mizg'imoq, madad, maza, malla, maroq, masal, mis, moy, mot, mosh, marra.

Қизиқарли маълумотлар

ИНСОН УЧУН ЖОН ФИДО ЭТГАНЛАР

Ҳаммамизга маълумки, айрим ҳайвон ва паррандалар инсоннинг энг яқин ёрдамчиси, қўриқчиси ва дўсти ҳисобланади. Бу ҳақда ҳатто ҳикоялар ёзилган, кинолар ишланган. Ҳалокатга учраган инсонларни қутқаришда мислсиз жасорат кўрсатиб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолган ана шундай тилсиз дўстларимиз кўпчилиги ва уларнинг бу мардликлари эвазига ҳайкаллар қўйилганини кўпчилик билмас керак. Қуйида жасорати эвазига хотираси абадийлаштирилган бўлган жонзотларнинг инсонларга қилган ёрдамлари билан танишармиз.

ХАЛОСКОР ХҲҲҲ



Қамал нима, унда қолган одамларнинг ҳоли не кечади — бу бизга тарихий манбалардан, кинолар ва китоблардан маълум. Немисларнинг Мюнстер шахрида худди ана ўша даҳшатли қамални бошдан кечирганлар томонидан уларни ўлимдан асраб қолган хўроз шарафига ҳайкал ўрнатилган.

Тўрт юз йил аввал қилинган қалъада қамалда қолган одамлар очликдан ўлаётди, ўзларида қолган яққа-ю яғна тирик паррандани қалъа деворига чиқариб қўядилар. Буни кўрган душманлар “ичкаридагиларнинг озиқ-овқати кўп экан” деб ўйлаб, қамални бекор қилган ва қайтиб кетган эканлар.

КҲҲҲ ҚҲҲҲГҲҲ

ХҲҲҲ

Пахтакорларимиз кўсак қуртини яши биледи. Унинг очофатлигидан гектарлаб ер-

даги ҳосил нобуд бўлади. АҚШнинг Алабама штатида айнан ана ўша кўсак қурти шарафига ҳайкал ўрнатилган. Чунки у алабамалик фермерларни пахта монокултурасидан воз кечиби, маккажўҳори, картошка, ерэнғоқ кабиларни экишга “мажбур қилган”. Бунга у пахта далаларини “вайрон қилиш” орқали эришган. Фермерлар пахтакорликдан воз кечиби, бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил олиш, катта фойда кўриш мумкинлигини тажрибаларидан англаганлар.

КАХРАМОН КАПТАР

Каптар ҳамиша тинчлик рамзи ҳисобланган. Бир юртни иккинчиси билан боғловчи хабарчи, хат-хабар ташувчи элчи каптар бўлгани, айниқса, ўтиш қийин бўлган ўрмонлар, дарёлар оша хат-хабар каптарлар орқали юборилгани тарихдан маълум.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бир жуфт чинни каптар урушнинг айна қизгин йилларида, 1942 йилда Англиянинг сув ости кемасида яшаганлар. Шу йил баҳорда немис самолётлари кемага бомба ташлайдилар. Натижада кема сув остига чўқади. Ҳалокат аён, кемадагилар ўлимга

маҳкум: кўтарилиш тизими, алоқа ишдан чиққан...

Шунда безабон қушлар ёрдамга келдилар. Уларни қутқарув камераларига жойладилар ва торпеда аппарати орқали юқорига “ирғитиб” юбордилар. Мода каптар ҳақиқий қахрамонлик кўрсатди: кучли тўфонлар оша манзилга эсон-омон учиб келиб, сув ости кемаси чўккан жойнинг белгиларини етказди.

Мода каптар бу жасорати учун махсус энг олий ҳарбий мукофот билан тақдирланди.

Англияда унга ҳайкал ўрнатилган.

“САЛОМ, БИЗ ТИРИКМИЗ!”



Антрактиданинг об-ҳавосини тасвирлашнинг ҳожаати йўқ — ҳаммамиз биламиз. У ердаги “Сева” станциясида бир гуруҳ олимлар ва ўн бешта чана тортувчи итлар бўлган. Об-ҳаво шаронти туфайли тадқиқотлар тўхтатилиши лозим деб топилган ва олимлар олиб кетилган. Бироқ ўн бешта итни олиб кетиш имкони бўлмай, ташлаб кетилган.

Бу ҳақда маълум бўлгач, япон матбуотида “бўрон” кўтарилди. Кутбчиларни

роса муҳокама қилдилар. Қор остида қолиб кетган итлар хотираси учун маблағ йиғиш бошланди. Ва уларга ҳайкал қўйилди. Мармар тахтачага “Антарктидада очликдан ҳалок бўлган итлар хотираси учун” деб ёзилганди.

Орадан бир йил ўтиб, “Сева” станциясида ишлаш учун янги гуруҳ келганида уларни қандайдир мўъжиза сабаб тирик қолган... икки ит думларини ликиллатганича кутиб олди.

ПУШАЙМОНЛИК ХҲҲҲ

Ҳайкаллар турли воқеалар муносабати билан ўрнатилган. Масалан, Англия ва Германияда “Ўлдирилган охири бўри учун” қўйилган ҳайкал гўё инсонни “ўрмон санитарии”нинг уруғини қуритиб юборгани учун пушаймонлик белгиси сифатида қад ростлаганга ўхшайди. Ҳайкалларда бу ақлли жонзотлар устидан ғалаба эмас, афсусланиш акс этиб туради.

ХҲҲҲНИ ИЖТИГОТ ҚҲҲҲ...

1935 йилда И. П. Павловнинг талаби билан кўплаб тажриба ўтказилган итларга ҳурмат рамзи сифатида Ленинградда уларга ҳайкал қўйилган.

Парижда эса Барри лақабли сенбернар итга ҳайкал ўрнатилган. Мармар тағликка “Жасоратли Барри 40 кишини ҳалокатдан сақлаб қолди”, сўзлари ўйиб ёзилган.

Сенбернарлар тоғларда қутқарув ишларини олиб боровчи итлардир. Улар қор

кўчкилари пайтида одамларни қидирадилар. Катта ва кучли бу итларнинг елкаларига ёрдам учун зарур буюмлар: қалин чойшаб, озиқ-овқат, вино кабилар маҳкамланади. Агар жабрланувчини қазиб олишга итнинг кучи етмаса, у ёрдам сўраб одамларнинг ёнига боради. Барри шу тахлитда қирқта одамни сақлаб қолган. Қирқ биринчисиди ҳаёт асорати йўқ эди. Ит уни қазиб олган ва иситиб, юзларини ялай бошлаган. Аста-секин “тирила” бошлаган бояги одам эса ҳушига келгач, итни кўриб... кўрқиб кетган ва тўппончасини олиб, итни отиб ташлаган...




ЙҲҲҲ БОШЛОВЧИ ДЕЛЬФИН

Австралияда портда 20 йил лоцман бўлиб “ишлаган”, кемаларга йўл бошловчилик қилган дельфинга ҳайкал қўйилган. Дельфиннинг “касби” ва садоқатидан беҳабар сайёҳлардан бири уни ўлдириб қўяди. Жазо тариқасида бу сайёҳга умрбод Австралияга келиш ман этилади.

Байрам дастурхонингизга

“НАФИС” ПЕЧЕНЬЕСИ



1,5 стакан ун, 180 гр. сариёғ, 3 ош қошиқда шакар, 1 дона тухум, 0,5 пакет ванилин. Эланган унни шакар билан аралаштириб, столга тўкинг, ўртасини чуқурча қилиб, унга тухум ва ванилинни қуйинг. Сариёғни пичоқ билан тўғраб, аралашмадан хамир ҳосил қилинг. 3 мм. қалинликда ёйилган хамирни печенье шаклида қирқиб, қаттиқ қиздирилган духовкада 10-15 дақиқа пиширинг.

“НАПОЛЕОН” ТОРТИ



2 стакан ун, 200 г. маргарин, 1 стакан сут, 0,5 стакан шакар, 0,5 чой қошиғида ош содаси, таъбага қараб туз.

Хамир тайёрлаб, олтига бўлинг, икки соат совуқ жойда сақланг. Ҳар бир бўлакни юпқа қилиб ёйиб, хамир шишмаслиги учун санчқида тешинг ва пишириб олинг. Крем тайёрлаб, ҳар бир бўлакни устига суринг ва қатламага ўхшатиб тахланг.


Крем учун 200 г. сариёғ, 1 банка қуёлтирилган ширин сут керак бўлади.

ШОКОЛАДЛИ ПИРОЖНИЙ



1 стакан сариёғ, 4 бўлак юмшоқ шоколад, 4 дона тухум, 2 стакан шакар, 1 стакан ун, 4 чой қошиқда ванилин, ярим чой қошиқ туз. Шоколад ва сариёғни биргаликда аралаштириб (эритмасдан), юмшатиб. Тухумларга шакар, ванилин, ёғли шоколадни қўшиб, аталган. Унга туз аралаштиринг ва ҳосил бўлган массага қўшинг. Хамир қоринг. Хамирни бутунлигича тўртбурчак шаклида қолип ёки патнисда 180°С да 35 дақиқа пиширинг. Пишгач, чиройли шаклда кесинг.

КРОССВОРД



Учбурчак бўйлаб: 1. Математик ҳисоблаш асосида кашф этилган сайёра. 2. Ширинлик. 3. Салланинг эски номи. 4. Энг катта қон-томири. 5. Сохта оёқли жонивор. 6. Гуноҳ. 7. Амударёнинг қуйи ҳавзасидан топилган бронза даври ёдгорлиги. 8. Туркман шоири, “Вақос”, “Зайнулараб” дostonлари муаллифи. 9. Солиқ, ўлпон. 10. Кўпчилик ҳалойик. 11. Тубан ўсимликларнинг новда ва барглarga бўлинмаган таначаси. 12. Улугвор, буюк. 13. Душман ҳужумини қайтариш, ҳимоя. 14. ? чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд. (А. Қодирий: “Ўтган кунлар”). 15. Қуйма кумуш бўлаги. 16. Кучли совуқ шамол.

Бўйига: 3. Дона, сон, тираж. 4. Узоқ Шарқдаги дарё. 5. Асал ўғриси. 6. Гана ва Фил суяги қирғоғида яшовчи халқ. 7. Венесуэла шимоли — фарбидаги шаҳар. 17. Йирик спорт мусобақаси. 18. ? қадрини заргар билар (мақол). 19. Қадимда Ўрта Осиёда яшаган қабила. 20. Магнит. 21. Кимёвий элемент. 22. Ёғсимон модда. 23. Тўлқинсимон ясси эгри чизиқ. 24. Сўз туркумларидан бири. 26. Хоразмнинг қадимий пойтахти. 28. Пайғамбарлардан бири. 30. Жиззах вилоятидаги туман. 31. Тегишли, тааллуқли. 32. Самолёт, кема ва бошқаларда йўловчилар бўлмаси. 34. Сунъий ариқ. 35. Маскан, турар жой, бошпана. 37. Тошкент шахридаги канал. 39. Зиё, ёруғлик. 41. Пешонадан ... оқди. 42. Овоз, товуш. 43. Ёғ. 44. Касаллик. 51. Ёмон арида бол бўлмас, сувсиз ерда ? бўлмас (мақол). 53. Шоҳмат ўйинидаги ҳолат. 57. Чой қолдиги. 58. “Аруз”-

Сиз ҳам бўлинг биз билан!

нинг кенг тарқалган баҳрларидан бири. 60. Ҳазил, мутойиба. 61. Корбал кислота. 63. Америкалик ёзувчи. 64. Тасма, белбоғ. 65. Бефойда қулоқли одам. 66. Шом ва тонг оралиғи. 68. Боғловчи сўз. 70. Шимолий муз океани ҳавзасидаги чекка денгиз. 71. Садоқат. 73. Қадимги Мисрда қуёш худоси. 74. Тўппонча русуми. 77. Бир аждоддан тарқалган авлод, насл.

Энига: 14. Билимсиз, оми. 15. Хотира. 17. Ёноқ, чеҳра. 19. Отлиқ аскар, чавандоз. 22. Кема хизматчиси. 24. Қизил. 25. Сенегал давлати пойтахти. 27. Унга ҳамма бўйсинишга мажбур. 29. Қалъа. 31. Узоқ, йироқ. 33. Шашмақом таркибидаги шўъбалардан бири. 34. Кўп эмас. 36. Қуйруқ. 37. Нота. 38. Азиз неъмат. 40. Чачвон. 42. Журнал. 44. Мусиқада эркакларнинг энг паст-йўғон овози. 45. Ўсимлик “бола”си. 46. Австриялик физик ва астроном. 47. Таиланд пойтахти. 48. Дуккакли ўсимлик. 49. У ҳеч кимга айтилмайди. 50. Ижобий маънодаги баландпарвоз чақирик. 52. Ҳашаматли бино, қаср. 54. Тузук, тўр, қопқон. 55. Палов. 56. Самолёт русуми. 57. Ҳукмдор унвони. 59. ГФРдаги дарё. 60. Бўртириш, ёлғон. 62. Нота. 63. Каштадўзлик буюми. 65. Тўғри бурчакли учбурчакнинг тўғри бурчагига ёпишган томони. 67. Нота. 69. Ўткир ақл-идрок, зеҳн. 72. Ўзбекистондаги тоғ тизмаси. 75. Сўз, ибора. 76. АҚШ фарбидаги штат. 78. Оқар сувлар ерни ўйиб ҳосил қилган чуқурлик. 79. Ром, башорат. 80. Беллашув.

78. Оқар сувлар ерни ўйиб ҳосил қилган чуқурлик. 79. Ром, башорат. 80. Беллашув.

"Аскар мактублари" туркумидан



ҚИЗГА МАКТУБ

Толлар сочин тарадим,
Сеникин таролмадим.
Ортингдан хўп қарадим,
Кўзингга қаролмадим.

Ҳарбий хизмат юракка
Журбат солди озгина.
Хатимни олган замон
Жавобини ёзгин-а.

Қишда юпқа кийинма,
Бошга рўмол ўрагин
Яна не ҳақда ёзай —
Ўз хатингда сўрагин.

Сўрасанг-сўрамасанг,
Тополмасман керак сўз.
Ўзинг англарсан ёки
Гаплашармиз юзма-юз.

Ўзим ҳақимда не дей —
Югураман, юраман.
Машқдан бўш пайтларим
Сени эслаб тураман.

Худойимдан соғлиғу
Шодлигингни тилайман,
Чин кўнгилдан, самимий
Хат ёзувчи Сулаймон.

Мактубни оққа кўчирувчи
ХУРШИД.

АСКАРЛАР КУЛГИСИ

— Соливой, нега кеча берган топширигимни бажармадинг?
— Ўртоқ сержант, сизга нима?
— Тушунмадим?! Нима дединг?!
— Кечирасиз, лейтенант Ҳамроев ҳам топширик берди, сизнинг буйругингизни бажаришга улгурмадим демокчи эдим. Вақтим етмади.
— Вақтинг етмаса, менга нима?
— Мен ҳам шуни айтяпман-да, сизга нима деб.
— А?..

— Соливой, армияда ҳамма иш буйруқ билан ёки рухсат олиб бажарилади, тушундингми?
— Тушундим, ўртоқ сержант, ҳожатхонага боришга рухсат беринг.
— Рухсат. Беш дақиқа вақт.
— Кечирасиз, ўзингиз ҳам бирга бормайсизми?
— Нега?
— У ерда яна бир-икки ишга рухсатингиз керак эди-да.

Сардори Соливойни гавдасига ишониб бокс мусобақасига олиб борибди. Соливой ҳам сардорнинг ишончини оқлаб рақибининг зарбаларига иккинчи раунднинг охиригача туриб берибди.
— Яша, — дебди сардори танаффус пайти, — яна бир раундга чидасанг бўлди.
— Ўртоқ сардор, мен ҳам урсам бўладими? — чўчиброқ сўрабди Соливой.
— Ие, бўлганда қандоқ. Нега сўраясан?
— Ўзингиз ҳар бир ишга рухсат олиш керак дер эдингиз-ку.
Учинчи раунднинг бошидаёқ Соливой рақибини бир мушт уриб чўзилтириб кўйибди.
Ҳакам санаётган эмиш:
— Бир, икки, уч...
— Ўртоқ ҳакам, нега санаяпсиз?
— Тўққизгача турса, мусобақани давом эттиради.
— Бекорга овора бўляпсиз. Мен қассобнинг шогирдиман. Армияга келгунимча бир йил ичида мен уриб йиқитган буқалардан бирортаси туролмаган, — дебди Соливой пинагина бузмай.

БУҚАЛАМУНҲИСИЗ ЁКИ?..

Айримлар ҳар қандай янги шароитга, муҳитга тез кўникашади, кўп ўтмай ўзларини сувдаги балиқдай ҳис қилишади. Аммо бунинг акси ҳам учраб туради. Биринчи сирага кировчиларни атрофидагилар унча ёқтиришмаса, буқаламунга ўхшатишса, иккинчи тоифадагиларнинг ўзларига қийин кечади. Айни пайтда бу икки кутбнинг, ўт билан сувнинг ўртасида жойлашганлар ҳам бор. Хуллас, ана шу мавзудаги тестимиз билан танишинг.

1. Сизни фикрингиздан қайтариш осонми?
 2. Ўзингизнинг асосий ишингиз билан астойдил машғул бўлган пайтингиз ўртоқларингизнинг ишлари билан ҳам қизиқасизми?
 3. Мақтабда, институтда ўқиган чоғингиз бир фанни кўйиб, иккинчисидан, уни ташлаб учинчисидан имтиҳонга тайёрланиш қийин кечармиди?
 4. Бошқа, ҳозир машғул бўлган ишингиздан қизиқарлироқ иш билан шуғулланиш имкони туғилса, биринчисини охирига етказишга иродангиз қодирми?
 5. Кўнглингизга ёқмаган одатларингиздан халос бўлиш сиз учун қийинми?
 6. Бир ишни кўйиб иккинчисига ўтишингиз осонми?
 7. Режаларингизнинг жиндак бўлса ҳам бузилиши кайфиятингизни туширадими?
- 3, 4, 5, 7 — саволларга берилган "ҳа" жавоблари ва 1, 2, 6 — саволларга берилган "йўқ" жавоблари учун ўзингизга 1 балдан кўйинг-да, умумий балларингизни ҳисобланг.

БАҲО

1-2 балл. Сиз янги, нотаниш шарт-шароитларга тез кўникасиз, бегона одамлар билан ана-мана дегунча тил топишиб кетасиз. Фақулдодда вазиятлар, тўсиқлар сизни саросимага солмайди, ранжитмайди. Қизиқишларингиз доираси ниҳоятда кенг, аммо билимларингиз бир оз саёзроқ, юзакироқ. Сизда ҳаммавақт ҳам қатъият етишади деб бўлмайди, баъзан бошлаган ишингизни охиригача етказмасдан ташлаб кетаверасиз. Бир маромдаги, зерикарли ишдан ижодий фаолиятни афзал кўрасиз, айтиши мумкинки, бунга лаёқатингиз ҳам бор.

3-5 балл. Шароитга, заруратга қараб ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қила олиш ҳам, хатоингизни, ноҳақлигингизни тан олиш ҳам қўлингиздан келади. Сиз зарарли одатларингиздан халос бўлишга, ҳар қандай ишга қатъиятлилик билан ижодий ёндашишга қодирсиз.

6-7 балл. Сиз ўз одат ва қарашларингизни ўзгартиришингиз жуда қийин. Сизга ходим сифатида бемалол ишонса бўлади, бир ишга киришингизни, уни охирига етказмасдан қўймайсиз. Аммо қатъиятлигингиз баъзан қайсарликка ўтиб кетганини ўзингиз тан олгингиз келмайди. Атрофингиздагилар шу феълингиз туфайли сизни ўз билганидан қолмайдиган киши деб билишади. Ҳатто, арзимас масалалар устида ҳам ётвөлиб ёқалашаверсангиз, яна нима дейишингиз? Ҳар ҳолда, одамлар билан ҳушмуомалароқ бўлсангиз, баъзан ўзингиз ҳам ноҳақ бўлишингиз мумкинлигини ёдда тутсангиз зиён қилмасди.

Тескари шаршара						Бахт	Абжир	Баланд иморат	Ис	Меҳр	... киммат
Миллат	Буюк шоир	Сомса тури	Нефтчилар шаҳарчаси. Андижон	Абдулла Кодирий				"Сетора" гуруҳи кўшиги	Озода, кўркем	Пайгамбар	К
Имо	Совуқ эмас	Умидвор бўлиш	1. Энига: Шайтанат. персонаж	От спортни	У	Л	О	К	Ром		О
И	С	И	К	Кимёвий элемент					100 йил Гўдак		А
Ш						Бўйин-боғ		Р			Фалла
Қ	Н	А	II ўрин			Ш	Орасида ичра Нота	А		Вафодор дўст	Фойда
Р	Волида Шаршара Петров, Сидоров	Мағзи ширин Дурадгор асбоби	К	А	М	А	Эг.... ра, ўж...	А	Р	Муסיкий нота
А	М	М	И	Р	Елгон	III ўрин	Р	О			Мэрхум пахтакорчи Рангли металл
Мева	Кийшлок Тошк. вило.	Кўшнмча сўз Журнал	11-синф ўқувчиси	Л	О	Ф	Башорат Ранг	Ижод маҳсули Қоп	А	С	А
Х	А	С	А	Н	С	Қ	Сут Илхом	О	К	Чора	И
Индир	Сабр	Г	А	Н	Г	И	Ма Боксчи	И		Граф Монте Кристо Жун, газлама	А
Қ	А	Н	О	А	Т	Узбекча фамилия	Ш. Жўраев ижро этган кўшик	О			Н
Қилич	Р	А	В	Ч	Дедя ва ...	А	Р	Номус	О	Р	Ип
И	А	М	Ю	Р	Авто. русуми	М	А	К	Р	А	Азоб
А	Ёритгич	Мансаб	Шоҳид	У	У	У	У	У	У	У	У
И	Кийим тури	Ука	Меҳрос-хўр	В	О	Р	У	С	Спорт тури	Табий ер ости йўли	Заҳарли илон
Ш	И	Ч	Миш...	И	З	Л	О	А	Арши ...		
И	Автопояга	Дарё	Н	Ч	З	В	О	З	Тўқ	Маросим	Қалъа
Р	А	Л	И	У	А	Дарё (Россия)	В	Г	Шикор		

Тузувчи Х. АҲМЕДОВ.

"Tabassum"ning keyingi sahifalarida ko'rishguncha xayr!

Табриклаймиз!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул кўшнлари кўмондони, генерал-майор **Қидирбай Айтқулович АЛИЕВ**ни таваллуд топган кунлари муносабати билан чин қалбимиздан самимий табриклаймиз.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, сермашаққат ишларингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Хурмат билан

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги **Владимир Николаевич КАШУБИН**ни таваллуд топган кунлари муносабати билан чин қалбимиздан самимий табриклаймиз.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, сермашаққат ишларингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Хурмат билан

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги **М. МИРВАҚУЛОВ**га!

Хурматли Муродилла Мирвақулович!

Сизни 50 ёшни қаршилашингиз муносабати билан қувончларингизга шерик сифатида самимий табриklarимизни қабул қилгайсиз. Узоқ ва сермазмун умр, оилавий хотиржамлик, ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар Сизга ҳамиша ёр бўлсин. Энг муҳими, ҳамиша шундай олижаноб, халқ хизматига камарбаста инсон бўлиб қолинг.

Хурмат билан

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳамда Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Наманган вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги **О. ИСОҚОВ**га!

Хурматли Одилжон Исоқов!

Сизни қутлуг 45 ёшни қаршилашингиз муносабати билан қувончларингизга шерик сифатида самимий табриklarимизни қабул этинг.

Сизни жонқуяр, ҳаёт ва хизмат тажрибаси бой инсон, елкадош ҳамкасб сифатида яхши биламиз ва Сиздаги инсоний фазилатларни қадрлаймиз. Энг муҳими, узоқ ва сер-

мазмун умр, оилавий хотиржамлик, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Хурмат билан

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги **В. Д. ХОДЖАҚУЛОВ**га!

Хурматли Василий Джурақулович!

Сизни 45 ёшни қаршилаётганингиз муносабати билан самимий табриklarимизни қабул этинг. Сиздаги инсоний фазилатларни бениҳоя қадрлаган ҳолда ҳамма вақт шундай олижаноб, елкадош ҳамкасб, халқ хизматига доимо тайёр инсон бўлиб қолинг. Узоқ умр, хизматларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Хурмат билан

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳамда Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Заҳирадаги полковник, хизмат фахрийси **Али Турсунович ЮСУПОВ**ни таваллуд топганларига 55 йил тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этамиз ва мустақам соғлик, оилавий саодатли ҳаёт ва боқий умр тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭББ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кримнология кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди, милиция полковниги **Убайдулло ҚОДИРОВ**ни табаррук 50 ёшли юбилейлари билан чин дилдан муборакбод этамиз. У кишига узоқ умр, мустақам саломатлик, ишларингизда улкан ютуқлар тилаб қоламиз.

Ҳамкасблари ва дўстлари номидан Жозил Турсунов.

Жиззах вилояти Зомин тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги **Карим Маҳмудович ОТАҚУЛОВ**ни муборак таваллуд кунлари билан чин дилдан самимий қутлайман.

Ҳаётингизда илоҳий жўшқинлик, эзгу рўшнолик, оилангизда тотувлик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Узоқ умр, саломатлик, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Хурмат билан

қашқадарёлик синглингиз Нодира Саимова.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖТСБ катта инспектори, милиция майори **Алишер Анварович НИЯЗОВ**ни таваллуд топ-

ган кунлари муносабати билан чин қалбимиздан табриклаймиз.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилангизда тинчлик, сермашаққат ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Ўзбекистон ИИБ ЖТСБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Самарқанд шаҳар ИИБ ЖКБ ходими, милиция катта лейтенанти **Равшан Толибович ҲАМИДОВ**ни муборак тугилган куни билан самимий қутлаймиз ва мустақам соғлик, осойишталик йўлидаги хизматларига омад, ютуқ ва оилавий бахт тилаб қоламиз.

Самарқанд шаҳар ИИБ ЖКБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Жондан азиз ва меҳри дарё ойижонимиз **Озодахон СОАТОВА!** Сизни табаррук айёмингиз — тугилган кунингиз билан табриклаш бахтига муяссар бўлганимиздан бениҳоя хурсандимиз. Жону жаҳонимиз, илоҳим бор бўлинг, бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, умр буйи хизматингизда бўлайлик.

Олий бахт тилаб,

фарзандларингиз Зулайҳо, Хуршид, Жампид, Ирода ва сеvimли турмуш уртоғингиз Ҳакимжон.

Хонадонимиз кўрки, энг азиз ва энг сеvimли келинимиз **ГУЗАЛХОН!** 19 ёшингиз муборак бўлсин. Яратгандан сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, увалижували бўлиб юришингизни тилаймиз. Ҳамиша ҳозиргидек гўзал, ибоби, қувноқ ва серғайрат бўлишингизни тилаб,

Марғуба ойижонингиз, Нодира, Миртемуш ва Миртоҳир Қодировлар.

Қашқадарё вилояти ИИБ тергов бўлими терговчиси, милиция лейтенанти **Чори НОРМУМИНОВ**ни муборак таваллуд кунлари билан чин дилдан самимий қутлайман.

Ҳаётингизда илоҳий жўшқинлик, эзгу рўшнолик, оилангизда тотувлик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Узоқ умр, саломатлик, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Хурмат билан

қашқадарёлик синглингиз Нодира Саимова.

КАМЧИЛИКЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Республика Ички ишлар вазирлиги ЖИЭББ бошлиғининг муовини, ички хизмат полковниги **Р. Сариков** бошчилигидаги бир гуруҳ масъул ходимлар муассасамизга ташриф буюришиб ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар, вазирлик буйруқлари, Бош бошқарма кўрсатмалари ижроси билан ўн кун мобайнида танишиб чиқдилар. Текширув якунида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчиликлар ҳам рўйроқ кўрсатилиб, уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари белгилаб берилди.

— Қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар ижросига барча ходимлар масъулият билан ёндашаётган деб бўлмайди. Бугун биз қайси касб эгаси бўлишимиздан, қайси соҳада ишлашимиздан қатъи назар, барча мақсад ва интилишларимиз, фикр-ўйларимиз юртимиз раванқи учун, унинг эртанги куни учун хизмат қилиши керак. Чунки бугуннинг талаби бошқача, таҳлил ҳам беаёв ва ўтқирдир. Сизнинг юриш-туришингиз, бажарилган ишингиз бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Ана шундагина ёруғ юз билан ишлайсиз. Тарбиянгизга ишониб топширилган инсон тақдирига бефарқлик қилсангиз жамият манфаатларини сунистеъмол қилган бўласиз, — деди ўтказилган йиғилишда **Р. Сариков**.

Р. БАХРОМОВ,
ички хизмат майори.

Ҳозирда пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги “Гулистон” маҳалласи оқсоқоли Сайфулла ака Оқмирзаев каби кекса, жонқуяр ва донишманд раҳбар кам топилса керак. У қирқ йилдан бери елиб-югуриб, одамлар учун қайғурмоқда, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилаётган.

Сайфулла ака ҳамон бақувват, ёш йигитлардек ғайрат ва куч-қувватга эга. Даҳага оид маълумотларни яхши билади, кўчалар, кўп қаватли уйларнинг сони ва улар қаерда жойлашганини хатосиз айтиб бера олади.

— Мени оқсоқол қилиб сайлашганда, — эслайди Сайфулла ака — ҳозир маҳалламизда истиқомат қилаётган талайгина онахонлар, отахонлар ва буви-жонларимиз ёш эдилар.

Оқсоқолнинг кўз ўнгидан бир неча авлод вакиллари вояга етди, аммо улардан бирортаси ёрдам сўраб мурожаат қилганда қўллаб-қувватланмаганини эслай олмайдилар. Сайфулла ака дастлабки пайтаноқ оддий ҳақиқатни англаб етди: маҳаллада намунали жамоат тартиби ўрнатилсагина тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суради. У ўзи раҳбарлик қилаётган маҳалла ташқи дунёдан баланд девор билан ўраб қўйилмагани, шу боис ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкинлигини тушунади. Ҳамма гап уларга қандай муносабатда бўлишда.

Сайфулла ака учун барча баробар. Эҳтимол, шу боис ҳам даҳада ҳамжиҳатлик ва меҳр-муруват қарор топгандир. Одамлар учрашиб қолишганда бир-бирига салом беришади, қувонч

ва ташвишларни баҳам кўрадилар.

Оқсоқол маҳалла аҳли оддий ва софдил одамлар эканлиги, айрим жиноят қилишга мойил кишиларни йўлга солишда бажонидил кўмаклашишлари, бундай шахсларни талабчанлик билан назорат қилиш йўлга қўйилганини гапириб берди.

Оқсоқол туман ИИБ профилактика катта инспектори, милиция катта лейтенанти **О. Алаовдан Раҳматуллаевлар** оиласида рўй берган воқеани эшити-

“ГУЛИСТОН”ДА ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ҲУКМРОН

ши билан дарҳол фаолларни тўплади. Йиғилишга хотин-қизлар кўмитасининг раиси **М. Аҳмедова**, маҳалла посбонлари гуруҳи сардори **Н. Намозов** ҳам таклиф этилди. Улар биргаликда оиладаги “касаллик” ёмон оқибатларга олиб келмаслиги учун қандай чоралар кўриши кераклигини муҳокама қилишди.

Воқеа бундай бўлган эди. Раҳматуллаевлар хонадонидан ота-она ичкиликка берилиб кетган, назоратсиз қолган фарзандлар эса кичик ўғирликлар содир этишар, кўни-қўшнларга тинчлик беришмасди.

Фавқулодда ўтказилган кенгаш катталарни маҳалла аҳли йиғилишида муҳокама қилиш, болаларга эса жамоатчи тарбиячилар бириктириш ҳақида қарор қабул қилди.

Ушбу оилада олиб борил-

ган “даволаш” ишлари яхши самара берди. Дастлаб катталар ўз турмушларини изга солишди, кейин эса болаларда ўзгариш сезила бошланди. Бу маҳалладаги бошқа оилаларга таъсир кўрсатди.

Метронинг сўнгги бека-тида ҳам, яқин ҳудуддаги турли йўналишлар бўйлаб қатнаётган автобуслар тўхтайдиган жойларда ҳам тартиб-интизом оқсоқолни доимо ташвишга соларди. У фаоллар билан вазиятни яхшилаш, тартиббузарлик-

ларни камайтириш йўллари излашга киришди. Айниқса, маҳалла посбонларига катта умид боғлади. Милиция катта лейтенанти **О. Алаов** ва маҳалла посбонлари сардори **Н. Намозов** билан бирга патруллик ташкил этишди ва йўналишларни белгилаб чиқилди.

Аммо бу етарли эмасдек туюлди. Шунда пост-патруль хизмати ёрдамидан фойдаланишга қарор қилинди, шу мақсадда ҳамкорлик режаси тузиб чиқилди. Кўриб турибсизки, метрролардан чиқиш жойларида тинчлик, осойишталик ҳукм сура бошлади.

Кўп қаватли уйлар ҳам Сайфулла аканинг доимий диққат марказида. У тумандаги хонадон ўғирларига нисбатан ўзига хос муносабатда бўлди. Оқсоқол милиция ходимлари билан кўп

Маҳалла жамият таянчи

қаватли уйларни айланиб, уй кўмиталарининг раислари, аҳоли билан суҳбатлашди. Мавзу эса битта: хонадонлардаги ўғирликни қай тарзда йўқ қилиш мумкин?

Талайгина фикрлар билдирилди. Аммо улардан фақат биттаси бўйича тўхтамга келишди. Уйларга кира-веришга нафақадорлардан иборат навбатчилик ташкил



этишга келишилди. Бунинг учун алоҳида билим талаб қилинмас эди. Уй олдидан шубҳали шахсни кўрингми, дарҳол профилактика инспектори ёки “02”га хабар қилсанг бўлгани.

Одатда оқшомлари Сайфулла ака маҳалла милиция таянч шохобчасига кириб ўтади. Милиция ходимлари билан қилинаётган ишлар ва режалар хусусида фикрлашиб олади.

— Таянч шохобчаси, — дейди оқсоқол, — аҳоли хурматини жуда тез қозонди, барча профилактик ишларнинг марказига айланди.

Бу ерда маҳалла посбонлари ва улар сардори **Н. Намозов** тўпланиб, оқшомда амалга оширилаётган вазифаларни белгилаб оладилар. Профилактика катта инспектори **О. Алаов** посбонларга милиция томонидан қидириладиган шахслар

ҳақида маълумот беради, милиция рўйхатида турган фуқаролар хонадонига ташриф буюриш, даҳадаги туриш-турмуш хусусида гаплашади.

Ўтган йили маҳаллада йигирмага яқин ҳуқуқбузарликлар содир этилди, лекин тезкор ҳаракатлар туфайли айбдорлар топилди, уларга нисбатан тегишли жазо белгиланди.

Сайфулла ака бугунги кунда икки ўғил, икки қиз ва йигирмадан ортиқ набиралар қуршовида. У ўз яқинлари тўғрисида гапирар экан, бошлаган ишларини давом эттирадиган суянчиқлари борлигидан фахрланиб кўяди.

Оқсоқол турли йиғинлар, маҳалла аҳли мажлисларида сўзга чиқиб туради. Тартиббузарлар ҳақида баҳс кетганда “уларга қарши милиция билан бирга биз курашмасак ким курашади”, дейди хотиржам.

Оқсоқолнинг баракали меҳнати, фидойилиги муносиб тақдирланмоқда. У Президентимизнинг **Фахрий Ёрлиги** ҳамда “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.

Сайфулла ака ҳар куни эрталаб ишга пиёда боришга одатланган. Идорагача 800 метрча йўл юради, аммо шу вақт ичида ўнлаб одамлар билан кўришиб, улардан ҳол-аҳвол сўрайди, турмуши билан қизиқади. Оқсоқолнинг фикрича, бундай мулоқотлар ўзинини бошқа бирор нарса боса олмайди. Аҳоли билан учрашувлар унга куч-қувват бағишлаб, янада фидойилик кўрсатиб ишлашга ундамоқда.

Ш. АҲМЕДОВ.
Суратда: С. Оқмирзаев.

ЯКУНИЙ ҲИСОБОТ ЎТКАЗИЛДИ

2001 йил 4 январь куни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимларининг 2000 йил якуни бўйича ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисга Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ХЧКваФ хизматларининг раҳбарлари таклиф қилинди.

Ҳисобот мажлисида 2000 йил мобайнида ХЧКваФ хизматлари томонидан амалга оширилган ишлар, шунингдек йўл қўйилган камчиликлар ва ҳозирги кундаги долзарб муаммолар ҳамда 2001 йилда амалга ошириладиган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев иштирок этди ва сўзга чиқди. У ўз сўзида вилоятлар-

даги ХЧКваФ хизматларида йўл қўйилаётган баъзи бир камчиликларга йиғилиш иштирокчилари эътиборини қаратди ва айрим вилоятлар ИИБ ХЧКваФ бўлимлари раҳбарларининг ахборотини тинглади.

Мажлис якунида соҳа хизмати олдида турган асосий вазифаларнинг ижроси бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Мажлиснинг иккинчи ярмида "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш" масалалари бўйича хизмат ходимлари иштирокида семинар-машғулотли ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.

Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ўтган йилнинг ёзида боғ ва ёрдамчи хўжалик ташкил этиш ташаббуси билан чиқишган. Бу хайрли иш вилоят ҳокимлигининг қарори билан қўллаб-қувватланди. Шундан сўнг Термиз туманидаги Учқизил кўрғонига яқин жойда ташландиқ ер ҳисобланган қарийб 30 гектарга яқин ботқоқлик ва қўлдан иборат бўлган жойни обод қилишга киришилди. Термиз тумани аҳолиси учун ҳеч қандай нафи тегмай, аксинча, ҳар хил зарарқунанда ҳашарот-

лар макони бўлиб ётган бу ернинг обод бўлишини туман ҳокимлиги ҳам, шу атрофда яшовчи барча одамлар ҳам маъқуллашди ва ҳар томонлама ички ишлар ҳодимларига ёрдам кўрсата бошлашди. Бу эса осойишталик посбонларини илҳом-

лантирди. Қисқа фурсатда ташландиқ жой тупроқ ва кум билан тўлдирилди. Тўрт ой ичида сунъий қўл ва ботқоқликдан асар ҳам қолмади. Ариқ қазилиб, сув келтирилди. Кеч қузда бу жойга яхши ният билан бугдой уруғи сепилди.

ларини вилоят милициясининг фахрийлари ўтказишди.

Ташландиқ қўл энди обод бир гўшага айланади. Боғнинг бир четида бошқарманинг ёрдамчи хўжалиги ҳам ташкил этилган бўлиб, бунда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги хўжаликлар ўз ёрдамларини кўрсатишди. Бугунги кунда ёрдамчи хўжаликда 32 бош қорамол ва 14 бош йилқи ҳам парваришланмоқда.

Боғнинг нариги томонида наслдор хизмат итлари учун питомник қурилиши бошлаб юборилган.

— Бу ерда 80 та зотли хизмат итларини тайёрлашга мўлжалланган кинология маркази қурилади, — дейди биз билан суҳбатда бошқарма капитал қурилиш бўлими бошлиғи, милиция майори Анвар Дониёров. — Қурилиш ишларини Термиз фуқаро қурилиши ташкилотининг бунёдкорлари амалга оширмоқдалар. Марказ шу йилнинг сентябрь ойига қадар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

С. АБДУВОҲИДОВ, ички хизмат капитани.

БОҒ ЯРАТГАН ЭЛДА АЗИЗ



Сурхон воҳасида баҳор жуда эрта бошланади. Ана шу хусусиятни ҳисобга олиб вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти яқинда бугдой экилган дала атрофида турли мева, манзарали кўчатларни ўтказишга аҳд қилишди. Шу мақсадда ўтган шанбада катта ҳашар ўтказилди. Ҳашарга бошқарманинг барча бўлимлари ходимлари ўзлари билан бирга турли кўчатларни олиб келишди. Яхши ният билан яратилаётган боғнинг дастлабки кўчат-

ЖАСОРАТГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Инсон умрининг мазмуни унинг ҳаёт уммони кўйида паст-баландликларни нечоғлик сабр-бардош билан енгиб, нури келажакнинг мустақкам кўрғонини барпо этишга қанчалик ҳисса қўшгани билан белгиланади. Зеро, ҳаёт деб аталмиш олий неъмат инсонга бир мартабагина насиб этади. Кимдир ўз умрида яхши ном қолдириб, тарих саҳифаларининг зарваракларидан жой олади. Кимдир эса...

Ички хизмат сержанти Икромжон Сайдахмедов ҳам қисқа, аммо мазмунли ҳаёт кечирди. Фожиали, бешафқат ўлим уни айни билаги кучга тўлган, юраги яшаш иштиёқидан энтиккан, орзулари бир олам бўлган бир паллада, эндигина 31 ёшни қоралаганда орамиздан олиб кетди.

Ёшлик шўхликлари, беғубор, покиза болалик йиллари Бўстонликнинг сўлим гўшаларида ўтган, табиатнинг бетакрор, тоза ҳавосидан баҳра олиб ўсиб-улғайган, Кумри аянинг тор қорнига сиққан Икромжон кенг дунёга симади, она учун изтиробли армонга айланди. Суякли рафиқаси ва шириндан-шакар икки қизчасини хотиралар уммонига фарқ қилиб, интизорлик гирдобига бир умрга боғлаб кетди.

Икромжон жуда ёшлигиданоқ ўт ўчирувчилик касбига меҳр қўйди. Ҳатто ўртоқлари машҳур чарм қўлқоп қироли Муҳаммад Алига ҳавас қилиб, тақлид қилиб юрганларида ённки фазогир бўламан дея орзу қилиб юрганларида, у ўз олдига яхши ўт ўчирувчи бўламан деб мақсад қўйганди.

Тенгдошлари орасида ўткир зеҳни, кенг мулоҳазалари, тиришқоқлиги билан ажралиб турувчи, бир қарашда ўта камгап, содда кўринган Икромжон орзуси йўлида тинмай ўқиб-изланди. Ўрта мактабни битириб турли соҳаларда хизмат қилган бўлса-да, оташ ҳароратга дош бериб, тилсиз ёвни жиловлаш орзуси уни бир дақиқа бўлсин тарк этмади. Ва ниҳоят 1996 йилда унинг неча йиллик орзуси рўёбга чиқди. Икромжон Тошкент вилояти ИИБ ЁСБнинг "Қайнарсой" қароргоҳида жойлашган ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмида хизмат қила бошлади. Тез орада хизмат бурчига ўта масъулият билан ёндошиши, берилган топшириқларни аъло даражада бажариши билан ҳамкасблари орасида обрў-эътибор топиб, катта ўт ўчирувчи лавозимига тайинланди.

2000 йилнинг 3 сентябрь куни

Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаракатларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Бўстонлик туманининг тоғли худудларида ўтказилган "Антитеррор" тадбирига бошқарлар қатори у ҳам жалб қилинди. Меҳрибон онажониси Икромжон билан хайрлаша туриб:

— Ой бориб, омон келгин. Киндик қонинг тўкилган тупроғининг ҳар бир қаричи нондек азиз. Уни асраб-авайлаш, фарз ниятли нажрлардан ҳимоя қилиш мард ўғлонларга хос фазилатдир, — дея дуо қилди.

Бўстонлик туманидаги Қайнарсой ва Арпапоясой тепаликлари бирлашган ерда бутазор ва тоғ ўрмонлари ёнаётгани ҳақида хабар тушди. Бирок ёнгин содир бўлган жойга ўт ўчириш автотранспорти етиб боролмас, тез чоралар кўрилмаса ёнгин катта майдонга тарқалиб кетиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам вилоят ИИБ ЁСБ ўт ўчириш штаби бошлиғи, ички хизмат подполковниги Р. Қосимов бошчилигида саккиз нафар ходимдан иборат гуруҳ ҳарбий вертолётда воқеа жойига етиб келдилар. Улар орасида Икромжон Сайдахмедов ҳам бор эди.

Кимсасиз тепаликда шамол тез эсар, ёнгин ўз йўналишини ўзгартира-ўзгартира шиддат билан авж оларди. Ўт ўчирувчи посбонлар олдида эса ёнгин тарқалишининг олдини олишдек мураккаб вазифа турарди. Йигитлар тилсиз ёвни жиловлаш вазифасини маҳорат билан бажаришар, аланга ҳам уларнинг жасоратларига тан бергандек бир қадар чекинара эди. Ишларни яқунлаш арафасида туришган бир пайта шамол тўсатдан ўз йўналишини ўзгартириб, Икромжонни олов ҳалқаси ичида қолдирди. Жасур йигит бор куч ва маҳоратини ишга солиб тилсиз ёвни жиловлаб, олов ҳалқасидан халос бўлди. Бироқ унинг жароҳати оғир, Икромжон туғилиб-ўсган қишлоғининг азим тепаликларида сўнги бор нафас олаётган эди.

М. СУЛТОНОВА.

Фарғонага йўлингиз тушиб, вилоят ИИБ ошхонасида бир мартаба овқатланган бўлсангиз, таомларнинг мазаси оғзингизда қолган бўлса керак. Ходимлар шаҳардаги кўплаб сўлим гўшаларда жойлашган ошхоналардан ҳам шу ерни маъқул кўришади.

Ошхона бош ошпази Баҳодиржон Баҳриддинов ҳикоя қиладилар:

— Мен бу ерга келгунга қадар анча жойларда ишладим. 1998 йили вилоят ИИБга бошчилик қилган Тоҳир Бойматов "Шаҳарда зўр ошпаз борми, уни менга чақириб келинглр", — деган экан ўринбосарларига. Келдим, суҳбатлашдик. Тайёрлаган таомларимдан татиб кўрдилар, маъқул бўлди шекилли, шу ерда ўрнашиб қолдим.

Асли Марғилонда туғилганман, отам раҳматлидан жуда эрта етим қолдим. Авлодларимиз ичида тегирмончи, ошпазлар кўп бўлган. Фарғона савдо техникуминини "техник-технолог" мутахассислиги бўйича тамомлагач, касбимнинг кўп сирларини андижонлик (асли хитойлик) Юсуфохун ва уста Хушвақт деган ошпазлардан ўрганганман.

Уста Хушвақт ака анча сирли одам эди. Овқат тайёрлаш асрорларини ҳам кўпчиликка ўргатавермасди. Фарғона шаҳрида бу одамнинг таърифи кетган эди. Унинг овқат тайёрлаш сирини билиб олай деб, бош ошпаз бўлиб ишлаб турган жойимни ташлаб, устоз ишлаётган "Роҳат" ресторанига оддий ошпаз бўлиб ўтдим. Аммо ҳадеганда уста Хушвақт ака овқат тайёрлаш сирларини ўргатавермади. Барча таниқли, амалдор одамлар шу кишини тўй-маъракасига ошпазликка таклиф қилишарди.

Устоз ошхонага ҳаммадан олдин келиб, то шоғирдлари келгунча масаллиқларни қозонга солган бўларди. Шунинг учун тайёрлаш, қовуриш сирларини ўрганишга имкон қолмасди. Бир куни ошхона қоровули касал бўлиб қолди. Ўрнига атайлаб ўзим қоровуллик қилдим.

Устоз барвақт келдилар, мен дарров ошхонани очдим ва бутун ҳаракатларини кузатдим,



МАЗАСИ ОҒЗИНГИЗДА ҚОЛАДИ

унга кўмаклашдим. Устоз ҳам индамай ишини қилаверди. Шундай қилиб, уста Хушвақтнинг ишончига кириб, унинг сирларини ўргана бошладим. Ундан бир умр миннатдорман. Устоз оддий маставани ҳам қотириб тайёрларди.

— Баҳодиржон, билиб қўйинг, гуруч икки қатламдан иборат бўлади, — дерди устоз. — Биринчи қатлами пишгандан сўнг гуручни сузиб, алоҳида идишга олиб қўйиш керак. Ундан кейин ёғли суяк қайнатилган сувда қайнатсангиз, гуручга ранг қиради, у ялтироқ ҳам мазали бўлади.

Бундан бошқа сирлари ҳам бор. Шундай эл назарига тушган ошпазлардан мазали таомлар тайёрлаш сирини ўрганиб, 1990 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган ошпазлар кўрик-танловида "Уста-ошпаз" унвонига эришдим.

Лекин, уйда овқатни кенно-йингиз тайёрлайди. (Кулади). "Сиз ишонангизда кўпчиликни боққанингиз етар, ҳеч бўлма-са уйда мен сизни боқай" деб қўймайди. Ўғлим Шерзод ўзим билан ишляпти. Хурсандман ота касбини танлаганидан. Ошпазлик оғир касб, тик оёқда кўп турасиз. Бунинг устига одамдан покизаликни, ҳид, таъм билишни, чаққонликни талаб қилади. Бу масъулиятли иш. Хушёр

бўлиш керак.

Мен ҳамма ерда бир хил масъулият билан ишлашга одатланганман, аммо бу ерда ундан ҳам масъулроқ бўлишга ҳаракат қиламан. Чунки милиция ходимларига мазали таом тайёрлашдан ўзимни умумий ишга ҳисса қўшаётгандек ҳис қиламан. Ҳозирги кунда 20 дан ортиқ таом тайёрляпмиз. Худога шукр, бирор мартаба ҳам кимдан эътироз эшитганимиз йўқ. Бунинг учун ошпазлар Иброҳимжон Мамарасулов, Маҳаммаджон Иброҳимов, ёрдамчи ходимларимиз Ўғилой Мўминова, Азиза Шокировалар ҳам бирдек масъулият билан меҳнат қилиб келишляпти.

Баҳодиржон ака ҳар куни эрталабдан турли гуммаларни тайёрлаб қўяди, уйда нонушта қилиб улгурмаганлар ошхонада тамадди қиладилар. Тушликка кўза шўрвадан тортиб оддий шўрвагача, котлетдан тортиб беҳи ичига тўлдирилган қиймаликкача ва албатта, қўлинг ўргилсин паловхон тўра, 7-8 хил салатлар муҳайё қилинади.

Таом ва салатлар ичида уста ошпазнинг ўзи яратган турлари ҳам бор. У кўплаб шоғирдлар етиштирган. Биз бу кўпчилик хизматидаги қўли ширин инсонга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

М. КИМСАНБОВ.

АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР

Пойтахт милицияси тергов бошқармасида Ўзбекистон фуқароларини чет элга ишга юбормоқчи бўлиб найранг ишлатаётган фирибгарлар ҳақидаги жиноят ишлари кўплаб учрайди. Куйида катта терговчи, милиция майори И. Мезенцев тергов қилаётган ана шундай жиноят ишларидан бири ҳақида хикоя қилмоқчимиз.

Ўзларини ишга жойлаштириш бўйича фирмаларнинг вакиллари деб таништирилган кимсалар фуқароларнинг валюта ишлашга бўлган интилишидан фойдаланиб, фирибгарларнинг асл мақсадини англаб етмаган воситачилар тармоғини ташкил этишарди. Уларга ўз пулларини топширган фуқаролар узоқ вақт хорижга жўнаб кетишларига ишонтиришарди. Аэропортлардаги ўриндиқларда жомадон қўлтиқлаб ўтириб, "иш берувчилар" қачон паспорт ва шартнома билан пайдо бўлишини интиқ ҳолда кузаришарди. Аммо...

Ана шундай алданган воситачилардан бири билан рўй берган воқеа аянчли ва ибратлидир.

— Мен С. Бахромова билан танишганимда оилам моддий жиҳатдан қийналарди. Умр йўлдошим узоқ вақт бетоб бўлгани туфайли ишимиз юришмаётганиди.

Кўшним "менинг бир танишим бор, хоҳласанг чет элга бориб ишлашингга ёрдам беради", деб қолди. Бундан мамнун бўлиб С. Бахромова билан учрашдим. Унинг ташқи кўриниши, ўзини тутиши, сўзларида эътиборли кишиларнинг исм-шарифи тилга олинаши менда катта таассурот қолдирди. У нифузли ҳукумат муассасасида ишлаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини АҚШдаги Форд заводига ва Саудия Арабистонидаги "Кокакола" ишлаб чиқариш фабрикасига ишга жўнатишга расмий ваколати бўлган фирманинг ходими эканлигини айтди.

Хуллас, у мени ишонтирди. Шартга кўра унга бир неча юз АҚШ доллари беришим, хорижда эса С. Бахромова билан гапига қараганда тўғи ойига икки мингдан ишлаб олишим мумкин эди. Муҳими, деди у, жўнаб ке-

тиш учун чет элда ишлашни хоҳловчилардан иборат гуруҳни тезроқ йиғишдир. Шу суҳбатдан сўнг дугоналарим ва қариндошларимни бирга боришга кўндира бошладим. Гуруҳ жамлангач, С. Бахромовага тўпланган пул ва паспортларни бердим. Маблағ миқдори катта эди.

Мен фирибгарнинг тузоғига илинганини англаб етганимча бир неча ой вақт ўтди. Одамлар пул ва ҳужжатларни қайтаришимни талаб қила бошлашди. С. Бахромова эса ғойиб бўлди. Одамларнинг кўзига фирибгар бўлиб кўринмаслик учун бирин-кетин мол-мулким, шу жумладан, уйни сотиш-

га киришдим. Шу тариқа олган пулларимни қайтара бошладим.

Бу жиноят ишидаги бир далил, холос. Тергов бундай алданганлар, яъни айбсиз айбдорлар талайгина эканлигини аниқлаб берди.

Бахтга қарши, тажрибалар кўпинча ҳушёрликни йўқотиб қўяётганимизни кўрсатмоқда. Бунинг сабабларидан бири катта кўнгилсизликлар менинг эмас, бошқа бир одамнинг ҳаёти-

да рўй беради, деган тушунчанинг мавжудлигидадир. Қаҳрамонимиздек оғир аҳволга тушиб қолмаслик учун у қандай алданганини ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Айни пайтда тергов қилинаётган ушбу жиноий ишда Саида Ҳусановна Бахромова айбдор сифатида қайд қилинган ва милиция томонидан қидирилмоқда.

А. ЗОЛОТАРЁВА.

ЭЪТИБОРЛИ ШАРҲ

Одамларни фирибгарлар найрангидан эҳтиёт қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги лицензия ва муҳожирилик бўлими бошлиғи Азизбек Давлатбекович САЪДУЛЛАЕВдан ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

— 1995 йил октябрь ойида республика Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда профессионал фаолият билан шуғулланиши тўғрисидаги Низом тасдиқланган бўлиб, унга кўра фуқароларимизни хорижий мамлакатларга ишга жўнатиш билан боғлиқ фаолият фақат бизнинг вазирлигимиз зиммасига юклатилган.

Чет элга ишлаш учун боришни истаган ва хорижий иш берувчилар билан тузилган шахсий меҳнат шартномаси бўлган фуқаро ўзини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида вазирликка мурожаат қилади ва тўплаган барча ҳужжатларини топширади. Лицензия олгач чет элга ишлаш учун мустақил равишда жўнаб кетиш ҳуқуқини қўлга киритади, бу меҳнат келишуви легализациясидир. Бошқа давлатга боргач, мамлакатимизнинг ўша ердаги консултиги ёки элчихонасидан рўйхатдан ўтиши лозим. Биз бу ҳақда ундан ҳатто ёзма мажбурият оламиз. Ўйлаймизки, бундай қилиниши фуқаронинг манфаатларига мос келадими, чунки у ерда бирор муаммо юзага келса, мамлакатимиз элчихонасига мурожаат қилиши мумкин. Давлатимиз унга доимий равишда, ҳатто чет элда ҳам гамхўрлик кўрсатади.

Шунингдек, Меҳнат вазирлигининг ўзи ҳам хорижий иш берувчилар билан шартнома тузади ва шу асосда фуқароларимизни чет элга жўнатади. Масалан, 1995 йилда хорижий ишчиларни ишга жалб этиш билан шуғулланаётган Жанубий Корея ресурслар компанияси билан битим имзоланди. У ерга фуқароларимиз ёлланма ишчи сифатида боришарди.

Чет элда ишлаш истагида бўлган шахслар меҳнат бўлимига мурожаат қилиб, навбатга туришлари зарур. Ҳар бир туманда номзолларни рўйхатга олиш китоби мавжуд.

Шуни эслатиб қўймоқчиманки, вазирлигимиз ўзи мустақил равишда иш берувчи топган фуқарогагина лицензия беради. Лицензия бошқа бирорта вакил ёки ташкилотларга тақдим этилмайди. Юқоридагига ўхшаш фирибгарлар эса ҳужжатларни сохталаштириб олишади. Масалан, ана шундай қалбаки шартномалардан бири республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига таяниб тузилган, амалда эса бу рақам қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ ҳужжатга қўйилган.

Фирибгарлар фуқароларни талайгина мамлакатлар, кўпроқ Европа давлатларига жалб этишади. Бу бежиз эмас. Ҳозирда малакаси бўлмаган ишчиларнинг Европа давлатларига бориб ишлаши анча мушкул. Чунки бу юртларда ёлланма ишчилар етарлидир.

Айни пайтда ушбу масала бўйича фақат Жанубий Корея билан иш кўраямиз. Бошқа айрим мамлакатлар, шу жумладан АҚШ, Япония билан эса битим ишлаб чиқиш ниҳоясига етай деб қолди.

Терговчи билмидонлар олиб боради

ОЛТИНЧИ ГУВОҲ

...Когонда кетма-кет содир этилган жиноят одамларни ташвишга солиб қўйди. Талончилар хонадонга бостириб кириб уй эгаларини қурол билан кўрқитар, қимматбаҳо буюмларни олиб, ғойиб бўлишарди. Табиийки, азият чеккан жабрланувчилар милицияга хабар беришарди. Тезкор гуруҳ дарҳол воқеа жойига етиб борар ва суриштирув ишларини бошлаб юборарди. Аммо саъй-ҳаракатларга қарамай жиноятчилар узоқ вақт тутқич бермай юрди. Нима қилиш керак? Шаҳарнинг турли бурчакларидан бир хил "дастхат" қолдираётган газандаларни қандай қўлга олиш мумкин?

Ушбу ишга Когон шаҳар ИИБ терговчиси Сайфулла Нурматов киришганда унинг миёсида шундай саволлар гўжгон ўйнади. У жабрланувчилар билан учрашиб, қайта-қайта суҳбатлашди. Баъзиларидан керакли далилларни олишга муваффақ бўлди. Ҳатто жиноятчини кўрганлар ҳам топилди. Сайфулла ака гувоҳларнинг кўрсатмаларидан келиб чиқиб гумондорнинг фотороботини тайёрлатди. Энди милиция ходимлари жиноятчининг ташқи қиёфаси ҳақида аниқ тасаввурга эга эдилар. Шу сабабли орадан ҳеч вақт ўтмай фотороботда акс эттирилган киши ушланди.

"Бу ҳали ҳеч нарса ни англамайди, — ҳаёлидан ўтказди С. Нурматов. — Жиноятчи шу одам эканлигини исботлаш зарур. Уни гувоҳлар, жабрланувчиларнинг ўзлари танишлари лозим". Гумондор жабрланувчилар билан юзлаштирилганда уларнинг барчаси босқинчилик қилган айнан шу киши эканлигини тасдиқлашди.

— Мен ҳеч қандай жиноят содир этмаганман, ишонинглар, —

дерди гумондор ялиниб-ёлвориб. — Бу одамларни биринчи марта кўриб туришим, бу ерда қандайдир англашилмовчилик борга ўхшайди.

Гувоҳлар нима дер экан, ахир улар қочиб кетаётган талончининг ўз кўзлари билан кўришган. Гувоҳлар олти киши эди, аммо юзлаштиришга беш киши келди. Уларнинг барчаси олдиларида турган талончи эканлигини таъкидлашди.

Масала равшандек эди. Жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмасига таяниб жиноий ишни ниҳоясига етган, деб ҳисобласа ҳам бўларди. Аммо тўпланган материаллардан Сайфулла аканинг кўнгли тўлмади. Шу дамда терговчини икки савол қийнарди: бир неча марта таклиф этилишига қарамай олтинчи гувоҳ юзлаштиришга нега келмади? Ҳаммаси рисоладагидек бўлса унда нега гумондор айбдор эканлигига ўзини ишонтира олмапти?

Шубҳаларга чек қўйиш мақсадида терговчи олтинчи гувоҳнинг олдиға ўзи борди. У суратни кўриб, босқинчилик содир этилган куни кўрган одами бу эмаслигини айтганда Сайфулла ака нечоғли ҳайратга тушганини кўрсангиз эди. Гувоҳ гумондор билан юзлаштирилганда ҳам шу гапни такрорлади.

Бир неча тунни уйқусиз ўтказган С. Нурматов тўпланган барча далилларни яна бир бор солиштириб кўрди. Гумондор эгизак бўлган-бўлмаганини суриштириш ҳам ёдидан чиқмади. Ахир кичик бир шаҳарда бир-бирига сув томчисидек ўхшаш икки одам яшаши мумкин эмас-ку.

Буни қарангки, шундай бўлиши мумкин экан. Орадан маълум

вақт ўтгач, милиция ходимлари ташқи қиёфаси гумондордан деярли фарқ қилмайдиган кишини тутиб келтиришди. Уни кўрган жабрланувчилар ва гувоҳлар ханг-манг бўлиб, нима дейишларини билмай қолишди. Олтинчи гувоҳ эса жиноятчини дарҳол таниди. Буёғи эса тергов амалиётига боғлиқ эди. Боз устига гумондорнинг уйдан ашъвий далиллари чиқди. С. Нурматовнинг ички сезгиси, топширилган ишга асосли ёндошуви ва бой тажрибаси туфайли ҳақиқий жиноятчи фоз этилди.

— Когон милициясида ишлаган пайтимни эсласам устозларим Амин Жўраев ва собиқ прокурор Имом Норовларнинг ўғитлари ёдимга тушади, — деди Бухоро шаҳар Файзулла Ҳўжаев тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Сайфулла Нурматов. — Улар гумондор суд ҳукмидан кейингина жиноятчи ҳисобланади, инсон тақдири терговнинг тўғри ва ҳалол олиб борилишига боғлиқ эканлигини асло унутмаслик керак, дея қайта-қайта уқтиришарди. Мен ўз фаолиятим давомида ана шу сўзларга амал қилиб келаяпман.

Сайфулла ака асли қорақалпоқ диёридан, қорақўллик. У терговчи бўлишни болалигидан орзу қиларди. Чунки ана шу касб эгалари тўғрисида хикоя қилинган китоблар, кинофильмлар унинг ҳаётига катта таъсир кўрсатганди. Шу боисданми, ўрта мактабни тугатгач, ҳеч ўйлаб ўтирмай ҳужжатларини Ташкент Давлат университетининг юридик факультетига топширди. Уқувли бўлгани учун кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди. Ўқиш даврида му-



аллимлар, тажрибали устозлардан терговчилик маҳоратини кунт билан эгаллади. Қўлига диплом олгандан кейин Бухоро вилоятига келиб, ички ишлар идораларида старшина унвонида иш бошлади.

Мана шунга ҳам 18 йилдан ошди. Бу вақт ичида Сайфулла ака маҳорат сирларини кунт билан эгаллади. У босқинчилик, талончилик, ўғирлик ва бошқа турдаги юзлаб жиноий ишларни тергов қилди ва жиноятчиларни фоз этди. Эътиборли томони, Сайфулла ака тергов давомида барча иқир-чиқирларни диққат билан ўрганади, ишни кўнгилдагидек ниҳоясига етказмагунча тиниб-тинчимайди. Фидойий терговчи бундан тўрт йил аввал Президентимизнинг Фармонида биноан 2-даражали "Шон-Шараф" ордени билан тақдирланган эди. Бу юксак унвон уни янада баракали меҳнат сари ундади. Унинг қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, давлатимиз ва фуқароларимизнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшаётгани эътиборга олиниб, ўтган йили 1-даражали "Шон-шараф" ордени билан мукофотланди.

С. ШОДИЕВ.

Суратда: милиция подполковниги С. Нурматов.

Ҳаётнинг аччиқ-чучук синовларини, азобу укубатларини, катта-кичик фожиаларини, қонли урушлару оммавий қатагонларни бошидан кечирган XX аср ортда қолди. Ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши кутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад, манфаатларни ўзини да мужассамлантирган мафкуравий кураш тўхтагани йўқ.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ САРИ

Мафкуравий кураш халқаро ва давлатлараро миқёсда давом этмоқда. Тўғри, агар бирор бир мамлакатда хоҳ ҳарбий, хоҳ иқтисодий тазйиқ бўлса буни сезиш, кўриш ва олдини олиш мумкин бўлади, аммо зимдан мафкуравий тазйиқни илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Шундай вазиятда инсон мустақил, соғлом фикрга, буюк эътиқодга, мустаҳкам иродага эга бўлмаса, бундай мафкуравий тазйиқларга бардош бериб, уларни енгиб ўтиши амримаҳол.

Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси маънавиятнинг, миллий мафкураининг аҳамиятини янада оширади.


Мафкурамининг шаклланишида Ватанимиз ва халқимизнинг шонли тарихи, асрлар давомида сайқал топган буюк қадриятлари, инсонни улугловчи урф-одатлари, инсоний аънавалари ҳамда мустақилликдан сўнг рўй берган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади.

Маърифатли кишигина инсон қадрини, миллат дардини, миллий ва умуминсоний қадриятларни тўғри тушуниб етиши, ўзини, ўзлигини англаб олиши, эркин ва озод Ватан фуқароси сифатида унинг бахти, истиқболи йўлида ҳалол меҳнат қилиб яшашига интилиши, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураш олиб бориши мумкин. Шунинг учун биз ёшларни мустақил ва эркин фикрлай оладиган, фикр доираси кенг кишилар қилиб тарбиялашимиз, вояга етказишимиз зарур. Янги XXI аср биздан ўз сўзимизни, тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда.

Юртбошимиз умид қилганидек: "Тўққизинчи — ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улугбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йиғирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак".

Жамила ЭРГАШЕВА,
Қарши давлат университети.

“ЮЛДУЗ” КРИПТОГРАММАСИ



Муҳтарам муштарийлар! Энг аввало матнда арабча рақамлар билан беркитилган очқич сўзларни топиб, сўнгра уларнинг барча ҳарфларини тегишли рақамларига қараб саҳиз қиррали юлдуз шаклининг хоналарига, бирма бир ёзиб чиқсангиз, криптограммада буюк бобокалонимиз, моҳир саркарда, йирик давлат арбоби Амир Темурнинг доно ўғитларидан бирини ўқийсиз.

ОЧҚИЧ СЎЗЛАР:

- I. Ҳарбий хизматчи – 2, 16, 7, 2, 8.
- II. Жанговар машина – 5, 2, 13, 7.
- III. Атоқли адиб Мирқарим Осимнинг тарихий қаҳрамонлик мавзудаги қиссаларидан бири – “6, 14, 8, 12, 11”.
- IV. Топишмоқ: “Кўқда қилич ярқирайди, Сувда акси ялтирайди” – 12, 17.
- V. Лашкарбоши – 16, 2, 8, 7, 2, 8, 1, 2.
- VI. “Еримиз, сувимиз, фарзандимиз деб, Хотин, бола-чақа, дилбандимиз деб, Бирма-бир жонимиз этамиз фидо, Ватанни душманга бермаймиз асло!” – ўзининг қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги машҳур достониди ана шундай ўлмас сатрларни авлодларга ёзиб қолдирган буюк шоир – 10, 14, 8, 1; 2, 3, 16, 14, 17.
- VII. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг журнали – “11, 2, 4, 11, 12, 13”.
- VIII. “Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон Достонларда битган 15, 9, 4, 14, 16, 5, 12, 13 – Ўзбекистон дея аталур, Уни севиб эл тилга олур”.
(Ҳамид Олимжон).

Тузувчи: Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ,
истеъфодаги ички хизмат подполковниги.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:

700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Erkin SATTOROV

(Bosh muharrir
o'rinbosari v. b.)

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir
o'rinbosari — 139-77-23.
Mas'ul kotib 139-73-88.
mxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91,
peyjer: ... (088) 36-97, 55-19.

Elektron pochta
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent shahar Bosh
boshqarmasi hisob-kitob —
kassa markazida:
21596000200447980001,
MFO 00014.

- Ko'chirib bosishda «Postda» dan ekanligini ko'rsatish shart
- Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.
- Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Ro'yxatdan o'tish
tartibi № 00007.
Buyurtma Г — 2022.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqti — 19.00.
Bosishga
topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

91 523 nusxada chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.

Теннис

ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Теннисни қўллаб-қувватлаш Бухоро вилояти жамғармаси ва вилоят қонунчилик масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамкорликда савобли ишга қўл уришди. Яқинда вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари, бошқарма ва ташкилот раҳбарлари ҳамда ходимлари иштирокида теннис бўйича очиқ биринчилик ўтказилди. Мусобақалар Бухоро шаҳридаги “Хумо” теннис мажмуида бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган қизгин баҳсларда вилоят ИИБ вакиллари шахсий биринчиликда ҳам, умумий ҳисобда ҳам голиб чиқишди. ЖИЭБ ходимлари ички хизмат лейтенанти Шерзод Юсупов ва ички хизмат сержанти Нормурод Юсуповлар жуфтлик дастурида учинчи ўринни эгаллашди. Шахсий биринчиликда эса Шерзодга тенг келадиган рақиб топилмади, Нормуродга учинчи ўрин насиб этди. Голибларга вилоят Теннис федерацияси раҳбари Г. Якубов қимматбаҳо совғалар топширди.

Сўнгги йилларда бошқармаиз ходимлари ўртасида теннисни оммалаштиришга алоҳида эътибор берилган. Бунда милиция майори Т. Раҳматуллаевнинг ҳиссаси катта бўлган. Юқорида эришилган натижалар ҳам ана шу эътиборнинг самараси деб ўйлайман.

Ҳабибулло БОЛТАЕВ,
милиция подполковниги.

Газетамизнинг 4 январь сони

16-бетида chop этилган
Хуқуқшунослик институти
талабаси, наманганлик
Ақромжон ХУЖАМОВнинг
“Постда” деб номланувчи
кроссворди жавоблари:

Бўйига: 1. Вакцина. 2. Ватар. 3. Савр. 5. Рим. 6. Елим. 8. Танк. 9. Лев. 11. Нола. 12. Раста. 13. Девзира. 14. Журналист. 15. Жун. 16. Дурадгор. 19. Ишқ. 22. Онг. 35. Ректор. 36. Аланга. 37. Тимсоҳ. 38. Фурсат. 39. Новвот. 40. Шабнам. 41. Шабада. 42. Мода. 43. Донг. 44. Дарров. 45. Маймун. 46. Ғура. 47. Ом. 49. Репертур. 52. Тахаллус. 54. Набира. 56. Ғоз. 57. Андижон. 59. Адабиёт. 64. Амаки. 65. Ибо. 66. Оғу. 67. Какао. 68. Жазо. 71. Суяк. 73. Хид. 74. Берк. 76. Дард. 78. Жар. 82. Дид.

Энига: 1. Васваса. 4. Периметр. 7. Истиклол. 10. Анероид. 17. Къят. 18. Ми. 20. Ин. 21. Он. 22. Ов. 23. Сарв. 24. Рух. 25. Шом. 26. Онг. 27. Кон. 28. Қор. 29. Ипор. 30. Амри. 31. Чақалоқ. 32. Хизматкор. 33. Сардоба. 34. Арфа. 39. Наша. 48. Икра. 50. Вабо. 51. Утин. 53. Нон. 55. Вена. 57. Арча. 58. Тема. 60. Макарон. 61. Ангишвона. 62. Махруза. 63. Даҳа. 67. Кана. 69. Луг. 70. Бас. 72. Аҳд. 74. Бог. 75. Абду. 77. Жўка. 78. По. 79. Ун. 80. Ре. 81. Уд. 83. Кели. 84. Наримон. 85. Мардикор. 86. Искандар. 87. Адвокат.

ДАНББ ХАБАРЛАРИ

СЕШАНБАДАН СЕШАНБАГАЧА...

2001 йилнинг 2 январидан 8 январигача республика-миз автомобиль йўлларида жами 180 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилди. Оқибатда 30 нафар ҳамюртларимиз ҳалок бўлишди ва 194 таси турли даражадаги тан жароҳатлари олинди.

Ўтган етти кун мобайнида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан жами 50114 кўпол қондабузарликлар аниқланди. Шундан 1603 ҳайдовчи транспортни маст ҳолда бошқаргани учун, 7572 ҳайдовчи тезликни меъридан ошириб юборгани, 1514 ҳайдовчи светофорнинг тақиқловчи қизил чироғида чорраҳадан ўтиб кетганлиги учун ДАН ходимлари томонидан тўхтатилдилар ва уларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилди. Шунингдек, ҳафта мобайнида 8510 пиёда қондабузарликка йўл қўйди.

Фарғона вилояти Фурқат тумани:

3 январь куни соат 19.30 ларда Навбахор-Абдусамат йўлининг 15-км.да, Абдумўмин Зулфиқоров ўзининг “Минск” русумли мотоцикли бошқарувини йўқотиб симёғочга бориб урилган. Натижада А. Зулфиқоров тан жароҳати олиб касалхонада вафот этган.

Самарқанд вилояти Ургут тумани:

5 январь куни соат 5.45 ларда, тадбиркор Менгали Ўролов шахсий “Тисо” русумли автомобилни Қоратеп-Ургут йўлида бошқараётиб Денагас қишлоғи ҳудудида йўлнинг чап томонидаги темир тўсиққа урилган. Натижада ҳайдовчи Менгали Ўролов тан жароҳати билан касалхонага ётқизилган, йўловчиси, яъни хотини Гулсара Алимардонова воқеа жойида ҳалок бўлган.

Тошкент шаҳри Сирғали тумани:

7 январь куни соат 10.00 ларда Сирғали тумани У. Маҳмудов кўчаси “Қушқўрғон” қабристонидидаги ариқ ичида, ёши 50–55 лардаги, корейс миллатига мансуб, шахси номаълум аёл кишининг жасади топилган. Тиббий суд экспертизаси хулосасига асосан, шахс номаълум аёл транспорт воситасидан олган тан жароҳати туфайли ҳалок бўлганлиги аниқланган. Олиб борилган кидирув-суриштирув ишлари натижасида ушбу ИТХни, жорий йилнинг 7 январь куни соат



6.30ларда 1-трамвай ДЕПОси ҳайдовчиси Андрей Дониҳ содир этиб воқеа жойидан кетиб қолганлиги аниқланган.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани:

7 январь куни соат 15.45 ларда, Бахтиёр Маманов шахсий “Damas” русумли автомобилни Термиз–Душанбе йўлида бошқараётиб қарама-қарши йўналишида ҳаракатланаётган, Абдурашид Нуриддинов бошқарувидаги “Damas” русумли автомобили билан тўқнашган. Натижада Абдурашид Нуриддиновнинг хотини Зубайда Отамуродова тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилган ва унинг ўғли Нурбек Нуриддинов тан жароҳати олиб воқеа жойида ҳалок бўлган.

Бухоро вилояти Ғиждувон тумани:

8 январь куни соат 17.10 ларда Неъмат Шарипов шахсий “М-412” русумли автомобилни бошқараётиб йўлни кесиб ўтаётган пиёда вояга етмаган Жавлонбон Язиловни уриб юборган. Натижада Ж. Язилов воқеа жойида ҳалок бўлган.

З. ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ ДАН
Бош бошқармаси инспектори,
милиция лейтенанти.

**Давлатга қарашли, хусусий ва
мулкчиликнинг бошқа шаклидаги
ишлаб чиқариш корхоналари
диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Моддий техника ва
ҳарбий таъминот бошқармаси
2001 йил 20 январь куни**

**бошқарма биносига бўлиб ўтадиган
мебель маҳсулотлари ва
ёнғинга қарши инвентарларни
етказиб бериш тендеридида иштирок этишга
таклиф этади.**

**Керакли маҳсулот юзасидан маълумотлар ва техник
ҳужжатлар олиш бўйича 35-83-02, 55-83-26, 136-27-93
рақамли телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Манзилимиз: 700070, Тошкент шаҳри,
Ш. Руставели кўчаси, 1-тупик, 1-уй.**

Тошкент вилояти ИИБ раҳбария-
ти, шахсий таркиби ва Фахрийлар
кенгаши вилоят ИИБ фахрийси, и-
стеъфодаги милиция подполковниги
Эркин ЖАҲОНГИРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан
марҳумнинг оила аъзолари ва яқин-
ларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбария-
ти, шахсий таркиби ва Фахрийлар
кенгаши вилоят ИИБ фахрийси,
истеъфодаги милиция подполковниги
Кенжа Салметовга ўғли
ҒОФИРнинг
бевақт вафот этганлиги муносаба-
ти билан ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти суд-тиббий экспертиза бю-
роси маъмурияти ва касаб аъзолари Ўзбеки-
стон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига
қарашли Суд-тиббий экспертиза тизимида фидо-
корона меҳнат қилган, уруш қатнашчиси, Соғлиқ-
ни сақлаш аълочиси, меҳнат фахрийси
Тоҳмир Сероджитдинович СЕРОДЖЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдард-
лик билдирадилар.

Андижон вилояти ИИБ раҳбария-
ти, шахсий таркиби ва Фахрийлар
кенгаши истеъфодаги милиция полковниги
Маҳаммадjon ТОШМАТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан
марҳумнинг оила аъзолари ва яқин-
ларига ҳамдардлик билдирадилар.